Йигит жума тонгида биринчи дарсига барвақт борди. Фалсафа ўқитувчиси ҳали келмаган эди. Қизлар хонанинг бурчагида гаплашиб ўтиришган эди. Улар ниманидир қизғин оҳангда гаплашаётгани йигитни хавотирга солди. Улар Дороси ҳақида гаплашишяптими? Кимдир уни ўлгани ҳақида хабар топиб бўлдимми? Бу ёмон! Доросининг опаси Элленга хат тушдан сўнг етиб боради. Агар унгача унинг ўлик танаси топилса, полиция келиб Дороси билан бирга ўқийдиган барча талабаларни сўроқ қилади.

Йигитнинг режаси бўйича то кеч тушмагунча ҳеч ким Доросидан хавотир олмаслиги керак. Эллен мактубни олиши билан университет офисига кўнғироқ қилиши керак. Шунда полиция ётоқхонага бормасдан туриб ҳам Дороси ўзини жонига қасд қилганига ишонар эди. Кейин ҳеч бир талабани сўроқ қилмас эди.

Ўқитувчи етиб келди ва ҳамма жойига ўтирди. Йигит хавотирлари ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилди. У маърузани тинглашга уринди. Бир неча дақиқадан сўнг эшик очилгани ва кимдир кирганини эшитди. У бошини ўтирмай ўтираверди. Лекин кимдир унинг ёнига ўтирганида, у бурилиб қаради. Қаради-ю бақириб юборишига сал қолди. У хайратдан музлаб қолди ва кўнгли беҳузур бўла бошлади.

Дороси унга қараб майин табассум қилди ва бир парча қоғоз узатди. Йигит бир неча сония тўхтаб турди, кейин эса қоғоздаги ёзувларни ўқиди.

Янги дорилар ҳам таъсир қилмади.

«Эй, Худо,» алам билан ўйлади йигит. «Нега унга ишондим-а? У дорини ичмаган! У менга тезроқ турмушга чиқмоқчи, шунинг учун ичмаган! Соат учда опасига мактуб етиб боради. Кейин у университетга қўнғироқ қилади. Кейин эса муаммолар бошланади!»

У маърузани тинглашдан тўхтади ва нима қилиш кераклигини ўйлай бошлади. Мактуб аллақачон Калдвельга жўнатилган, уни ўзгартира олмайди. Соатига қаради. Ўн бўлибди. Мактуб эса Доросининг опасининг ётоқхонасига соат учда етиб боради.

«Демак, беш соат ичида Дороси ўлиши керак,» деди йигит ўзига. «Ва ҳамма уни ўз жонига қасд деб ўйлаши керак. Нима қилсам экан?»

Тез орада унда янги фикр уйғонди ва у яна хотиржам бўлиб қолди. Дороси тушдан кейин турмуш қуришига ишонар эди. Кўпчилик Мовий Денгиздаги Мунисипал биносида никоҳдан ўтади. ФХДЁ бюроси ўша ерда жойлашган эди. Одамлар турмуш қуришдан олдин шу бюродан гувоҳнома олишади. Шунингдек, суд зали ҳам шу бинода жойлашган эди. Агар жуфтлик черковда никоҳдан ўтишни хоҳламаса, гувоҳнома олишгач суд уларни никоҳдан ўтказар эди.

«Бундан ташқари Мунисипал биноси шаҳардаги энг баланд бино,» ўйлади йигит. «У ўн тўрт қаватдан иборат. Агар кимдир унинг юқорисидан сакраса, ўлиши аниқ!»

Фалсафа дарси тутагач, йигит Доросига тез-тез гапирди.

«Биз бугуноқ турмуш қурамыз, азизам,» деди у. «Мени фармацевтика лабораторияси ёнида кут.

Бир одамга қўнғироқ қилишим керак. Кейин нима қилишни режалаштириб оламиз.»

Йигит телефон буткасига борди. У оператордан никоҳ бюросининг рақамини сўради. Кейин у ўша рақамларни терди.

«Бу никоҳни қайд этиш бюросими?» сўради йигит телефоннинг нариги томонидан жавоб беришгач. «Бугун бюро қайси вақт очик бўлади?»

Ходим унга бюро соат ўн иккигача очик бўлишини, кейин эса соат бирдан бешгача ишлашини айтди. Бюро соат ўн иккидан биргача ёпиқ бўлади. Бу пайт ходимлар тушлик қилгани ташқарига чиқиб кетадилар.

Бир неча дақиқадан сўнг йигит Дороси билан лаборатория яқинида учрашди. Қиз асабийлашаётгандек кўринар эди. Йигит унга қараб жилмайди.

«Биз ҳозироқ турмуш қурамиз, азизам,» деди йигит. «Чақалоқ ҳақида қайғурма. Ҳаммаси яхши бўлади.»

«Ростанми? Чақалоқни деб мендан жаҳлинг чиқмаётганидан жуда хурсандман,» жавоб берди қиз. «Сенга турмушга чиқишни жуда ҳам хоҳлайман.»

«Биз гувоҳнома олиш учун Мунисипал биносига боришимиз керак,» деди йигит. «У ерга 12:30да борайлик. Ҳа, айтганча, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномангни ҳам ўзинг билан олиб кел.»

«Хўп. Мен ётоқхонадан кийимларимни олишим керак, ундан ташқари қўлқоп ҳам сотиб олишим керак,» жавоб берди Дороси. «Сен билан худди шу ерда 12:15 да кўришамиз.»

У йигитни ўпди ва тез-тез юриб кетди.

Дороси у билан учрашганида эгнига чиройли яшил костюм, белига яшил камар, костюм ичидан оқ блузка, кўк шарф ва нозик оқ кўлқоплар кийиб олган эди. Лабларига эса ёрқин қизил лаб бўёғи сурилган эди.

«Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномам сумкамда,» деди Дороси. «Жуда ҳам хурсандман!»

Улар шаҳар марказига автобусда боришди.

Мунисипал биносига етиб боришганда соат 12:40 эди. Етиб бориши билан йигит уни хавотирга соладиган нарсага кўзи тушди. У авваллари бинога бунчалик диққат билан қарамаган эди. Ҳозир у ўн тўрт қаватли миноранинг ён томонлари тўғри эмаслигини кўрди. Еттинчи қаватдан ўн иккинчи қаватгача тор, биринчидан олтинчигача бўлган қаватлар кенгроқ эди. Энг юқоридаги икки қават эса ундан-да тор эди.

«Агар ўн иккинчи қават жуда кенг бўлганида, менда муаммо туғилиши мумкин эди,» деди йигит ўзига. «Бугун ҳаммаси чаппасига кетяпти!»

Улар бинога кирдилар. Фойеда қаватларда жойлашган офислар рўйхатига қарадилар. Никоҳни қайд этиш бюроси олтинчи қаватда жойлашган эди. Улар лифтда юқорига кўтарилдилар.

Олтинчи қаватда лифтдан чиқдилар ва никоҳ бюросини тезда топдилар. Эшикда ёзув бор эди. Бюро соат биргача тушлик учун ёпиқ эди.

«Мени кечир, Дороси,» деди йигит. «Мен аҳмоқман. Келишдан аввал аниқлаштиришим керак эди.» Кейин у табассум қилди. «Менда бир фикр бор,» деди йигит. «Томга чиқайлик. У ердан шаҳар жуда чиройли кўринса керак.»

Улар яна лифтга қайтдилар ва ўн тўртинчи қа-

ватга кўтарилдилар. Лифтдан чиқганларида, рўпарада темир эшикни кўрдилар. Йигит эшикни очди. Эшик ортида темир нарвон бор эди. Эшикдан киришгач, йигит эшикни ёпди ва улар нарвонга чиқа бошладилар. Нарвоннинг юқорисида яна бир темир эшик бор эди. Узоқ вақт уни очиш қийин бўлди. Лекин йигит бор кучи билан ҳаракат қилди, ва ниҳоят эшик очилди.

Дороси ва йигит том устида юраркан, бир бирига қараб кулиб қўйдилар.

«Биз жуда ҳам юқоридамиз!» деди Дороси.

Эшик яқинида баланд метал каркас, унинг юқорисида эса йигит ҳар тун деразасидан кўрадиган қизил чироқ бор эди.

Йигит атрофга қаради. Томнинг ҳар тарафи бир юз эллик фут кенгликда эди. Четлари эса уч-тўрт фут баландликдаги ғиштли девор билан ўралган эди. Лекин бино мустаҳкам эмас эди. Ўртада катта квадрат ҳаво қудуғи ҳам бор эди. Ҳаво қудуғининг ҳамма тарафи ўттиз фут кенгликда эди. Унинг атрофи ҳам ғишт девор билан ўралган эди. Баландлиги ва қалинлиги четки деворлар билан бир хил эди.

«Четга кел, Дороси,» деди йигит. «Мовий Денгизнинг манзарасига қара.» У қизни томнинг четига етаклади.

Дороси шаҳарни томоша қилаётган маҳал, йигит пастга қаради. Икки қават пастда кенг тош планка бор. У ўн иккинчи қаватнинг томи эди.

«Агар у ўша томга қуласа, ўлмай қолади,» ўйлади у. «Мен уни ҳаво қудуғига итаришим керак.»

У Доросини томнинг ўртасига бошлади. Йигит ҳаво қудуғининг деворидан эгилди. Қудуқнинг деворлари текис ва тўғри эди. Ўн тўрт қават пастдаги

ер кўриниб турар эди. Йигит тўсатдан ўзини яхши хис қила бошлади. «Энди ҳеч нима ҳалал бермайди,» деди йигит ўзига ўзи. «Энди ҳаммаси яхши бўлади.»

«Кел, шу деворда бироз ўтириб, сигарет чекайлик,» деди йигит. «Бюро ўн беш дақиқадан кейин очилади.»

У Доросининг сумкасини олди ва деворнинг устига қўйди. Кейин қизни кўтарди ва девор устига ўтказиб қўйди. Сўнг ўзи ҳам қизнинг ёнига чиқди. Улар бир неча дақиқа жимгина сигарет чекиб ўтирдилар. Кейин эса трейлерда кечадиган келажак ҳақида гаплашдилар.

«Ҳаммаси ажойиб бўлади,» деди Дороси. «Бизнинг ўз уйимиз бўлади.» У сигаретини тугатди ва қолдиғини девор яқинидаги томнинг устига ташлади. Йигит сигарет қолдиғига қаради. Унда қизил лаб бўёғининг излари бор эди. Йигит кулиб қўйди, ўзининг сигаретини ҳаво қудуғининг ичига улоқтириб юборди.


Кейин девордан сакраб тушди. Дороси эса ҳали ҳам девор устида ўтирган эди. Йигит унинг қўлларини ушлади. «Дорилар таъсир қилмаганидан жуда ҳам хурсандман, азизам,» деди йигит. «Сен ҳақсан! Трейлерда яшаш ажойиб бўлади!»

«Чиндан ҳам шундай фикрдамисан?» сўради Дороси. «Чиндан ҳам дорилар таъсир қилмаганидан хурсандмисан?»

«Ҳа, Дороси,» жавоб берди йигит. «Мен ҳам фарзандли бўлишни хоҳлайман. Буни энди англадим.» У қизга қараб жилмайди.

Уни итариб юбориш вақти келган эди. Аммо ундан олдин йигит бир гапни эшитишни хоҳлар

эди. У шусиз ҳам қизни ўлдиради, лекин бу унга қўшимча сабаб бўлар эди. У қиз нима демоқчилигини билар эди.



У ҳаво қудуғининг ичига йиқилар экан, қаттиқ чинқириғи эшитилди.

«Сенга бир гапни айтишим керак,» деди Дороси. «Мен ёлғон гапирдим. Мен кеча кечкурун до-

риларни ичмадим. Уларни ҳожатхонага ташлаб юбордим. Чунки сенга турмушга чиқишни жуда ҳам хоҳладим. Мени кечирасанми, азизим? Мен - «

Унинг сўнгги сўзлари чинқириққа айланиб кетди, чунки йигит уни бор кучи билан итариб юборган эди. У ҳаво қудуғининг ичига йиқилар экан, қаттиқ чинқириғи эшитилди.

Доросининг танаси ерга тушганини эшитганида йигит аллақачон темир эшикка қараб югураётган эди. Уч дақиқадан сўнг йигит кўчага чиқди. У Мунисипал биносидан чиқиб кетганидан бир дақиқа ўтар-ўтмас “Тез ёрдам машинаси” бинога яқинлашиб келаётганини кўрди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ: ЭЛЛЕН

Бешинчи қисм

Поездда

Март 1951

Соат эрталабки тўққиз. Эллен Кингшип поездда Айова штати Мовий Денгиз шаҳри томон йўлга чиққан. У Бад Корлисга ёзган хатини ниҳоясига етказди. Бад унинг севган йигити. Элленга ўхшаб, у ҳам Кальдвел коллежининг талабаси. Эллен ҳозиргина ёзиб бўлган хатини қайта ўқиб чиқди.

Қадрли Бад,

Мен бир неча кунга Калдвельда бўлмайман. Фақат мендан хавотир олма. Мен Мовий Денгизга боришга қарор қилдим. У ерда мени муҳим иш кутяпти. Эҳтимол, бу ҳақида сенга кетишимдан аввал айтишим керакмиди... Айтмаганимнинг сабаби шуки, мен бу ишни ёлғиз ўзим бошлашни хоҳладим. Сен мендан Мовий Денгизга бошқа бормаслигимни сўраган эдинг. Биламан, сен менга ёрдам беришга ҳаракат қиляпсан. Мени ҳафа бўлишимни хоҳламаётганингни ҳам биламан. Умид қиламанки, мендан жаҳлинг чиқмайди. Ва муҳтож бўлган пайтим албатта менга ёрдам беришингга ишонаман.

Деярли бир йил аввал синглим вафот этганида қанчалар қайғуга тушганим ҳақида сенга кўп айтганман. Биласанми, ўтган йил кузда сени Калдвельда илк бор учратганимда, сен ҳаётимга бироз ёруғлик олиб киргандинг. Бад, сен менга доим

меҳрибон бўлиб келдинг. Лекин мен Дороси ҳақида ўйлашдан бир зум бўлса-да тўхтай олмаяпман. Охирги пайтлар унинг ўлими ҳақида жуда кўп ўйладим ва дахшатли бир нарсани сезиб қолдим! Менинг синглим ўзини ўзи ўлдирмаган – уни ўлдиришган!

Сен эҳтимол «Бу аҳмоқлик! Дороси ўз жонига қасд қилганини полиция айтди. Полиция ҳаммадан ҳам яхши билади» дейишинг мумкин. Лекин полиция мен ҳозир билган баъзи нарсаларни билмайди.

Доросининг ўлими бахтсиз ҳодиса бўлмагани рост. Мунисипал биносидаги ҳаво қудуғи деворининг баландлиги уч ярим футдан ҳам баландроқ. Дороси у ерга тўсатдан тушиб кетиши мумкин эмас эди! Аммо нега полиция уни ўз жонига қасд қилган деб ўйлади? Бунга тўртта сабаб бор.

1) Мен Доросидан у вафот этган куни мактуб олган эдим. Полиция бунга суиқасд хати деди. Аммо бу хатда бир хато бор эди. Дороси ҳеч қачон менга «Азизим» деб мурожаат қилмаган. У доим «Қадрли Эллен» ёки «Менинг энг қадрли Элленим» деб ёзар эди. Бундан ташқари, хатда суиқасд ҳақида ёзилмаган. Унда фақат Доросининг бирорта қилмоқчи бўлган иши мени ҳафа қилиши мумкинлиги ҳақида ёзилган. Ва у бундан афсусда экани баён этилган.

2) Полиция Доросининг сумкасини Мунисипал биносининг тоmidан топди ва унинг ичида Доросининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси бор эди. Полиция Дороси атайин уни осонлик билан аниқлашимиз учун туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини у ерга ташлаб кетди деб тахмин қилди.

3) Полиция томда Доросининг лаб бўёғи теккан

сигарета қолдиғини топди. Уларнинг ўйлашича, Дороси бинонинг тепасига чиққан, ўзини тинчлантириш учун сигарета чеккан, кейин эса ҳаво қудуғига сакраган.

4) Доросининг ўлик танасини текширган доктор униинг икки ойлик ҳомиласи борлигини аниқлаган. Шунинг учун полиция Дороси ҳомиладор бўлиб қолгани сабаб ўзини ўзи ўлдирган деган хулосага келган. Доросининг ўлимини ёритган бирорта газета унинг ҳомиладорлиги ҳақида бир оғиз сўз айтмаган. Чунки отам газеталар бу хабарни сир тутиши учун катта пул берган! Полиция эса буни билар эди. Полиция отам қиз боланинг турмушга чиқмай туриб ҳомиладор бўлишини жуда қаттиқ қоралашини яхши билар эди. Шунинг учун полиция Дороси отамга чақалоқ ҳақида айтишдан қўрққан деб ўйлаган.

Дороси фарзанд кутаётган эди, демак унинг йигити бўлгани аниқ. Унинг дўстларидан ҳеч бири боланинг отаси ким эканини билмаган. Чунки у йигити билан рождестводан бери учрашмаган эди. Лекин апрелда унинг ҳомиласи икки ойлик эди, демак у февралгача ким биландир ишқий муносабатда бўлган. Отамнинг айтишича, йигит Дороси билан муносабатлари ҳақида полицияга ҳеч нарса айтмаслиги табиий ҳол. У Доросининг ҳомиладорлигини билган. Агар у полиция билан гаплашса, полиция Доросининг ўлимида уни айблар эди. Мен отамнинг бу фикрига қўшиламан. Бундан ташқари, полиция боланинг отаси кимлигини топишга уринмаганидан ажабланмадим. Ахир бу мамлакатда кимнидир ҳомиладор қилиш жинойт ҳисобланмайди-ку!

Шунингдек, Дороси ҳомиладорлиги ҳақида менга нега айтмаганига ҳам хайрон бўлмадим. Биз рождествода уришиб қолган эдик, шундан бери у менга ёзмаган эди. Лекин боланинг отаси ким бўлганига қизиқдим. У билан жанжаллашиб қолишимиздан бир неча ҳафта олдин Дороси менга бир талабани жуда ҳам ёқтириши ҳақида гапирган эди. У йигит Дороси билан инглиз тили дарсида бирга таҳсил олар эди. Дороси уни бўйи баланд, малласоч, ва жуда ҳам келишган деб тасвирлаган эди. Боланинг отаси ўша йигитмикан?

Полиция менинг синглим ўзини ўлдирган деб ўйлади, лекин унинг ҳаётида бўлган йигитларнинг бирортаси билан ҳам қизиқиб кўрмади. Яна полиция қизиқмаган бошқа нарсалар ҳам бор – уларнинг баъзилари жуда шубҳали. Полиция Доросини танимаган, шунинг учун бу нарсалар шубҳали эканини тушунмаган! Аммо сўнгги бир неча ҳафта давомида мен бу нарсаларни тушунишга ҳаракат қилиб кўрдим.

Эллен хатни ўқишдан бир зумга тўхтади.

«Мовий Денгизга кетаётганим учун Баднинг мендан жаҳли чиқади,» ўйлади у. «Лекин у мени тушунади. Унинг ёрдамига муҳтож бўлганимда у албатта менга ёрдам беради.»

У ёзиб бўлган хатини ўқишда давом этди.

Ўлиמידан бир неча соат аввал Дороси ётоқхонадаги дугоналарининг биридан белига тақиш учун камар бериб туришини сўраган. Агар у ўзини ўлдирмоқчи бўлса, нега дугонасидан вақтинча камар бериб туришини сўрайди? Полициянинг

хаёлидан бу савол ўтган бўлиши мумкин, аммо бу савол жуда ҳам муҳимлигини улар билмаган. Улар: «У чуқур қайғуда эди. Нима қилмоқчи эканини билмаган» дейишди.



Эллен Кингшип поездда Айова штати Мовий Денгиз шаҳри томон йўлга чиққан. У Бад Корлисга ёзган хатини ниҳоясига етказди.

Аммо полиция қизиқиб кўрмаган яна бошқа бир савол ҳам бор. Мен Доросининг ўлиmidан сўнг

ётоқхонасидан унинг буюмларини олиб кетдим. У ерда мени ҳайрон қолдирган бир нарсани топдим. Унинг ўзида ҳам айнан шундай камар бор эди. Тушунаяпсанми? Доросида дугонасидан қарзга олиб турган камар билан бир хил бўлган бошқа бир камар бор эди. У ҳали ҳам унинг хонасида. Хўш, нега у дугонасининг камарини қарзга сўраб турди?

Дороси ўлган маҳал қўлларига янги оқ қўлқоп кийган эди. У қўлқопларни Мовий Денгиздаги дўкондан вафот этган куни тонгда сотиб олган экан. Қўлқоп жуда арзон ва унчалик ҳам чиройли эмас эди. Аммо унинг хонасида ўзининг қимматбаҳо ва чиройли оқ рангдаги қўлқопи бор. Нега ўзида чиройли қўлқоп бўла туриб, у айнан ўша кун янги арзон оқ қўлқоп сотиб олди? Полиция Дороси қўлқоп сотиб олган дўкон эгаси билан гаплашган. Аёл полицияга Дороси дастлаб оқ пайпоқ сўраганини, дўконда пайпоқ йўқ бўлгани учун ўрнига оқ қўлқоп сотиб олганини айтди. Яна у: «Менимча қиз ўша кун бирорта янги нарса сотиб олишни хоҳлаган эди. Бу пайпоқ бўладими ёки қўлқоп – унга аҳамиятсиз эди,» деб қўшимча қилди.

Дороси ўша жума чиройли яшил костюм кийган эди. Бу унинг энг яхши костюми эди ва у бу костюмини фахр билан кияр эди. У, шунингдек, костюмининг тагидан жуда эски оқ блузка ҳам кийган эди. Ўша блузка ва костюм бирга чиройли кўринмас эди – бу нотўғри услуб. Доросининг ўша костюми билан мос тушадиган жуда кўп янги ва оқ рангдаги блузкалари бор эди. Дороси кийимларга келганда жуда эҳтиёткор эди – у доим дид билан кийинар эди. Унда нега ўша куни у эскириб кетган блузка кийиб олди?

Булардан ташқари яна бир ғалати нарса бор. Дороси ўлганида, бўйнида кўк шарф, оёқларида

жигарранг туфли бўлган. Шарф унинг эгнидаги бошқа кийимларининг бирортаси билан мос эмас эди. Яшил костюмига мос тушадиган шарфлар Доросида талайгина эди.

Мана бир неча ҳафтадирки, мени шу саволлар қийнаб келади – «Нега Дороси ўзининг камари бўла туриб, дугонасидан айнан худди шундайини сўраган? Нега янги костюм билан эски блузка кийган? Нега у кўк шарф тақиб олган? Ва нега янги оқ қўлқоп сотиб олди, ваҳоланки ўзида ундан-да яхшироғи бор эди-ку?»

Шу саволларни қайта-қайта ўзимга бердим ва шундай хулосага келдим: «Бу ерда Дороси қандайдир бир хабар айтмоқчи. Сен шу хабарни тушунишинг керак!»

Икки кун аввал бу саволларни бошқа тартибда сўрай бошладим: «Нега Дороси эски блузка кийиб олган? Нега у янги қўлқоп сотиб олган? Нега дугонасидан қарзга камар олиб турган? Ва нега у яшил костюм билан кўк рангли шарф тақиб олган?» Ва тўсатдан тушуниб қолдим!

Бад, сен келин тўйи куни қандай кийиниши кераклиги ҳақида ёзилган эски бир шеърни биласанми? Шеърда айтиладики, агар келин шундай кийинса, у омадли бўлар экан. У шеърга кўра, келин бирорта эски, бирорта янги, бирорта қарзга олинган, ва бирорта кўк нарса кийиши керак.

Полиция Доросини Мунисипал биносига ўзини ўлдириш учун борган деб айтди. Уларнинг фикрича, «Дороси юқори бинодан сакрамоқчи бўлган, Мунисипал биноси эса шаҳардаги энг баланд бино.» Лекин мен бошқа бир нарсани аниқладим. Мунисипал биносида ФХДЁ ҳам жойлашган. Де-

мак, у ерга турмуш қуришни хоҳловчи одамлар ҳам боради. Шунингдек, турмуш қурганлигини қайд эттириш учун бюрога туғилганлик гувоҳномани ҳам тақдим этиш керак бўлади! Ва мен яна бир бор Дороси менга юборган хатни ўқидим. Эҳтимол, у аввал менга айтмасдан турмуш қураётгани учун узр сўрагандир.

Мен аниқлаган яна бир нарса бор. ФХДЁда соат ўн иккидан биргача тушлик вақти. Дороси томдан тушиб кетганида соат ўнтакам бир эди.

Энди эса ўтган йили апрелда нималар содир бўлгани ҳақида менинг хулосамни эшит. Дороси йигитига ҳомиладор эканини айтган. Йигит унга уйланимоқчи эканини айтган. У вафот этган кун йигит уни никоҳни қайд эттирамиз деган алдов билан ФХДЁга олиб келган. Кейин уни Мунисипал биносининг юқорисига олиб чиққан, чунки бюро тушлик вақти бўлгани учун ёпиқ бўлган. Йигит Дороси сигарет чекиб бўлишини кутган, кейин эса уни ҳаво қудуғига итариб юборган!

Мана, Бад, мен Калдвельдан бир неча кунга кетганимнинг сабаби шу. Мен Мовий Денгизга кетяпман. Ҳозир поезддаман. У ерга боргач, Стоддард университетдаги инглиз тили ўқитувчиси билан гаплашмоқчиман. Мен ҳаммасининг тагига етмоқчиман! Доросининг инглиз тили дарсидаги ҳамма келишган малласоч йигитлар ҳақида маълумот оламан. Улардан қай бири Доросининг йигити бўлганини аниқлашим керак.

Мендан хавотир олма, Бад. Мен жуда эҳтиёткор бўламан. Кўп фильмларда жасур изқувар қиз қотилнинг ким эканини топганини кўрганман. Бундай фильмларда қиз қотилга у ҳақидаги ҳақиқат-

ни билишини айтади. Кейин қотил, «Сен мен ҳақимдаги ҳақиқатни биласан, шунинг учун сени ўлдираман!» дейди. Агар мен Доросининг йигитини топсам, у билан гаплашмайман, Бад. Мен фақат у кимлигини билмоқчиман холос. Кейин бунинг ҳаммасини отамга айтиб бераман, отам эса полиция билан гаплашади.

Эллен ёзганларини ўқиб бўлди ва деразадан ташқарига қаради. Поезд Мовий Денгизга яқинлашиб қолган эди. Узоқдан Мунисипал биноси кўринди. У хатига яна бир нечта сўзларни қўшиб қўйди.

Тез орада сенга яна ёзаман. Унгача яна кўп нарсани аниқлашим мумкин. Менга омад тила, Бад!
Сени яхши кўрувчи Эллен

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

Икки малласоч

Эллен Мовий Денгизда тезда меҳмонхона топиб, жойлашди. У жамадонини бўшатгач, Стоддard университетининг Инглиз тили кафедрасига қўнғироқ қилди. Инглиз тили ўқитувчиси телефонга жавоб берганида, унга Дороси Кингшипнинг опаси эканини ва у билан Дороси ҳақида гаплашиб олиши кераклигини айтди. Ўқитувчи Доросини эслади ва Эллен билан соат бирда учрашишга рози бўлди.

Эллен ўқитувчидан Доросининг гуруҳида келишган, малласоч талаба йигитлар бор ёки йўқлигини сўрамоқчи эди. Аммо у ўқитувчига «Менимча, талабаларингиздан бири қотил!» деб айта олмайди. Ўқитувчи барибир Элленга ишонмайди. У саволлари учун бошқа сабаб топиши керак – ўқитувчини ишонтира оладиган сабаб. Бир неча дақиқадан сўнг, унинг ҳаёлига бир фикр келди.

Соат бирда Эллен Доросининг инглиз тили ўқитувчиси билан гаплашиб ўтирган эди. Унинг меҳрибонлиги ҳамда Элленга ёрдам беришни хоҳлаётгани сезилиб турар эди.

«Ўлимидан бир ҳафта олдин,» дея гап бошлади Эллен, «Дороси бировдан қарз олганини айтган эди. У инглиз тили гуруҳидаги талабаларнинг биридан олган. Ўша пайтлари отам билан жанжаллашиб қолгани сабаб, ундан пул сўрашни хоҳлаган. Пулни бир неча ҳафтада қайтаришини айтган. Яқинда мен Доросининг барча чек ёзиб берадиган

китобларини кўриб чиқдим. У қарзини қайтармаган экан. Шунинг учун отам ва мен Дороси олган қарзни қайтармоқчимиз.»

«Ҳа, тушундим,» деди профессор.

«Лекин бир муаммо бор,» давом этди Эллен. «Биз ўша талабанинг исмини билмаймиз. Дороси буни айтмаган эди. Бизнинг олдимизга ҳам ҳеч ким қарзини сўраб келмади. Балки Доросининг ўлиmidан сўнг у биздан пул сўрашга ботина олмагандир. Балки у бизни қайғуришимизни хоҳламагандир.»

«Ҳа, масала чиндан ҳам қийин,» деди профессор. «Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?»

«Дороси менга у талабанинг исмини айтмаган,» жавоб берди Эллен. «Лекин у Дороси билан бирга инглиз тили гуруҳида таҳсил оладиган иккинчи босқич талабаси эканини биламан. Шунингдек, Дороси уни малласоч, баланд бўйли ва келишган йигит деб тасвирлаган эди. Агар у гуруҳда бир нечта малласоч ва келишган талабалар бўлса, мен уларнинг барчаси билан гаплашиб кўраман.»

Профессор бир лаҳза ўйланиб қолди. «Мен билан юринг,» деди у.

У Элленни университет идорасига олиб борди, ва ундан хонада ўтириб, биров кутишини сўради. Кейин у катта жавонни олдига бориб, таҳминан қирқта жигарранг файлларни олди.

«Сизнинг синглингиз билан инглиз тили гуруҳида ўқиган талабалар ҳозир учинчи босқич,» деди у. «Булар эса уларнинг шахсий файллари. Бу файлларда талабаларнинг суратлари ҳам бор.»

Профессор ҳар бир файлни тезда кўриб чиқди ва уларни иккига ажратди. «Бу қиз бола талаба-

лар,» дея кўпроқ бўлиб турган файлларни кўрсатди. Кейин иккинчи тўпламдаги файлларни кўрсатиб, «Мана бу ўн етти дона файл эса ўғил бола талабаларники,» деди.

Сўнг йигитларнинг файлларини синчковлик билан кўздан кечирди. Уларни ҳам яна икки гуруҳга бўлди. «Гуруҳда ўн еттита йигит бор,» деди у. «Лекин уларнинг ўн иккитаси қорасоч. Демак, фақат бешта малласоч йигит бор.»

Кейин у бешта файлнинг ичидан учтасини олиб ташлади.

«Бу уч йигитни ҳеч ким келишган ҳисобламайди,» деди профессор кулганча. «Энди бизда фақат икки малласоч, келишган йигит қоляпти. Мана уларнинг исми ва манзили.»

У иккала файлнинг биринчи саҳифасини очди ва Элленнинг олдига қўйди. Эллен тезда талабаларнинг исми ва манзилини ён дафтарчасига ёзиб олди.

Гордон С. Гент
1312 Ғарбий 26-кўча
Двайт Павел
1520 Ҳарбий 35-кўча

У файлларни профессорга қайтариб берди.

«Уларнинг телефон рақамини ҳам ёзиб олмайсизми?» сўради профессор. Шундай дея у рақамларни айтди, Эллен. эса уларни ҳам ёзиб олди. Кейин ўрнидан турди.

«Раҳмат, профессор,» деди қиз. «Жуда катта ёрдам бердингиз.» Эллен Гордон Гентнинг рақамига кўнғироқ қилганида, аёл киши жавоб берди.

«Гордонни чақириб бера оласизми?» сўради Эллен.
«Йўқ, у уйда эмас!» шубҳали жавоб қайтарди аёл. «У кечгача қайтмайди.»

«Кечирасиз, ким билан гаплашаётганимни билсам бўладими?» хушмуомалалик билан сўради Эллен.

«Мен миссис Аркетман,» жавоб қайтарди аёл.
«Бу менинг уйим. Гордон бу ерда ижарага туради. Унга бирор нарса деб қўяйми?»

«Йўқ, раҳмат,» деди Эллен. «Мен яна қўнғироқ қиламан.»

У гўшакни қўйиб, бир муддат ўйланиб қолди.

«Агар миссис Аркетнинг уйига борсам, балки у аёл мен билан гаплашар,» деди Эллен ўзига ўзи.
«Мен ўзимни Гордон Гентнинг қариндоши қилиб кўрсатаман, ва ундан Гордоннинг қиз ўртоқлари ҳақида сўраб кўраман. Балки у ўтган йили қишда Гордон ким билан учрашиб юрганини айтар. Шунда йигит билан гаплашишимга ҳожат қолмайди.»
Ярим соатдан сўнг Эллен 1312 Ғарбий 26-кўчадаги уйнинг қўнғироғини чалди. Эшикни паст бўйли, озғин аёл очди. Сочлари тўзиб ётган бу аёлга қараб Эллен жилмайди.

“Сиз миссис Аркет бўлсангиз керак,» деди Эллен. “Гордон уйдами?”

“Йўқ,» деди аёл шубҳали назар билан. “Сиз келишингизни билармиди?”

“Ҳа. Мен Гордоннинг холаваччасиман,» деди Эллен. “Мен унга хатда бугун келаётганимни ёзган эдим. Уни кўриш учун бир соатга унинг ёнига ташриф буюришимни айтган эдим.”

“У менга бу ҳақида айтмади,» деди миссис Аркет. “Балки у хатингизни олмагандир. Келинг, ич-

карига кириб, ўтириб туринг. Гордоннинг қариндоши билан танишганимдан хурсандман. Гордон жуда яхши йигит.” Аёл табассум қилиб, сўзида давом этди. “Келинг, меҳмонхонага киринг. Мен қаҳва тайёрлайман.”

Эллен унга эргашиб, ичкарига кирди.



“Йўқ,” деди аёл шубҳали назар билан. “Сизнинг келишингизни билармиди?”

“Гордон ҳозир радио станцияда,” деди миссис Аркет меҳмонхонада қаҳва ичиб ўтирганида. “Сиз унинг радио дастури ҳақида биласизми?”

“Ҳа, айтганди,” жавоб берди Эллен.

“У Мовий Денгиз радио станциясида диджей,” деди миссис Аркет. “Якшанбадан ташқари ҳар куни тунда икки соат радиода мусиқа кўяди. Гордон жуда банд йигит. Кундузи асосан коллежда бўлади, кечалари эса радиода!”

“У ҳозир бахтлими, миссис Аркет?” сўради Эллен. “Оҳирги марта ўтган йили уни кўрганимда у сиқилиб юрган эди.”

“Эслай олмайман,” жавоб берди аёл. У бир дақиқа ўйлаб турди-да, деди: “Йўқ, унинг ғамгин бўлганини сира эслай олмайман.”

“Менимча, у яхши кўрган қизи билан орани очиқ қилган эди,” деди Эллен. “Адашмасам, қизнинг исми Дороси эди. Дороси исмли қизни эслайсизми?”

“Йўқ,” деди миссис Аркет. “У жуда кўп қизлар билан учрашган, унинг ягона қиз ўртоғи бўлмаган. Дороси исмли қиз эса эсимда йўқ.”

Эллен тўсатдан кетишни хоҳлади. Бу ерда у бирор нарсани тагига ета олмаслигини тушунди. У ўрнидан турди.

“Мен энди бора қолай,” деди у. “Қаҳва учун раҳмат.”

“И-я, Гордонни кутмайсизми? Бир неча дақиқадан сўнг келиб қолади,” деди миссис Аркет.

“Бир неча дақиқадан сўнг? Аммо сиз уни жуда кеч қайтади деган эдингиз-ку” деди Эллен. “Боя кўнғироқ қилганимда шундай деган эдингиз.” Шу сўзлар оғзидан чиқиши билан, у қовун тушириб кўйганини сизди.

“Боя сиз кўнғироқ қилган эдингизми?” ажабланди миссис Аркет. “Аммо сиз телефонда Гордоннинг холаваччаси эканингизни айтмагандиз. Гордонга радиомухлиси бўлган жуда кўп қизлар кўнғироқ қилади. Уларнинг бари Гордон билан учрашишни хоҳлайдилар. Мен доим уларга Гордон жуда кеч қайтади дейман.”

Аёл шубҳаланишни бошлади. “Лекин Гордон куни бўйи кўчада бўлганини айтганимдан кейин ҳам нега бу ерга келдингиз? Йўқ, сиз Гордоннинг холаваччаси эмассиз. Айтинг, кимсиз?”

Шу пайт эшик очилгани ва кимдир уйга киргани эшитилди.

“Мен уйга келдим, миссис Аркет!” – ташқаридан ёш йигитнинг овози келди.

Аёл хонадан югуриб чиқиб кетди. Эллен аёлнинг кимгадир пичирлаб гапираётганини эшитди, “У сенинг холаваччанг эканини айтяпти, лекин мен унинг гапига ишонмадим!”

Кейин меҳмонхона эшиги очилди ва баланд бўйли, келишган йигит кириб келди. Унинг сочлари малларанг эди. У Элленга қараб, табассум қилди.

“Холаваччам Ҳестер!” деди у. “Қайси шамол учирди? Сени кўрганимдан жуда хурсандман.”

ЕТТИНЧИ ҚИСМ

Изқувар

Эллен кўчага югуриб чиқиб кетди. Яқинлашиб келаётган таксини тўхтатди-да, унга сакраб чиқиб олди. Ҳайдовчига меҳмонхона манзилини айтгач, бошини ўриндиқнинг ёстиқчасига суяди. Унинг танаси дағ-дағ титрар эди.

Ярим соатдан сўнг меҳмонхонага етиб келганида, ўзини бироз яхши ҳис қила бошлади. Аммо ҳалигача ўзидан жаҳли чиқаётган эди.

“Аҳмоқлик қилдим,” ўйлади у. Кун у учун самарасиз бўлди. У ҳеч нарсани аниқлай олмади. Энди эса айтган ёлғонлари сабаб, миссис Аркет билан ҳам бошқа гаплаша олмайди. Шунингдек, Гордон Гент билан ҳам.

“Энди иккинчи йигит – Двайт Павел ҳақида маълумот тўплашга ҳаракат қиламан,” деди у ўзига ўзи. “Аммо Павел Доросининг йигити бўлмаса, мен Калдвельга қайтиб кетишимга тўғри келади. Чунки Гордон Гент қотил бўлса, у бирор нарсани аниқлашимга йўл қўймайди. У мен нима қилишга уринаётганимни билади. Агар у Доросини ўлдира олган бўлса, мени ҳам ўлдириши мумкин.”

Меҳмонхонага келгач, у сумкасидан поездда Бадга ёзган ҳатини олиб, дераза ёнидаги столнинг устига қўйди. Хатни жўнатишдан олдин яна кўшимча нарсаларни ёзмоқчи бўлди.

Шу пайт эшик тақирлади. “Хона хизмати,” деди аёл кишининг овози. Эллен эшикни очди.

“Яна бир бор салом,” деди Гордон Гент. “Ўзини бошқа одам қилиб кўрсатиш менинг ҳам қўлим-

дан келади!” У қизни итариб, хонага кирди ва эшикни ёпди.

“Илтимос, “Ёрдам” деб бақирма,” деди йигит. “Агар шундай қилсанг, миссис Аркетнинг уйига қилган ташрифинг ҳақида полицияга айтишимга тўғри келади. Кўрқма, сенга озор етказмоқчи эманман. Мен сен ўтирган таксининг ортидан келдим, чунки нима бўлаётганини билишни хоҳладим. Нега сен ўзингни менинг холаваччвм қилиб кўрсатдинг? Нега миссис Аркетдан мен ҳақимда сўрадинг?”

“Айта олмайман,” деди Эллен. “Ўтинаман, бу ердан кет.” У ич-ичидан кўрқувда эди.

Тўсатдан Гентнинг кўзи стол устидаги хатга тушди. У хатни тезда олиб, ваннахонага кирди ва эшикни ичкаридан қулфлаб олди. Эллен йиғлай бошлади.

“Илтимос, хатни ўқима,” деди Эллен ғамгин оҳангда. “У жуда шахсий!”

Гент жавоб бермади.

Орадан беш дақиқа ўтгач, Гент ваннахонадан чиқди. Хатни Элленга тутқазди.

“Энди тушундим,” деди у. “Кечирасан-у, ўша келишган малласоч талабалардан бири менманми?”

“Ҳа,” деди Эллен секингина.

“Исминг нима?” сўради Гент қиздан. “Айт, илтимос.”

“Мен Эллен Кингшипман,” жавоб берди қиз.

“Қулоқ сол, Эллен,” деди Гент. “Мен сенинг синглингни танимас эдим. Уни инглиз тили дарсларида кўрардим-у, лекин то вафот этгунча исмини билмаганман. Мен уни ўлдирмаганман. Гуруҳда яна бошқа малласоч йигитлар бор эди. Лекин сенга ёр-

дам беришни хоҳлайман. Сенга ёрдам беришимга ижозат берасанми?” У қизга қараб жилмайди.



“Илтимос, хатни ўқима,” деди Эллен ғамгин оҳангда. “У жуда шахсий!”

Эллен унга ишонишни жуда ҳам хоҳлади. Лекин у бу йигитни билмайди-ку. Синглисини ўлдирган

инсон яхшигина актёр бўлган бўлиши керак, чунки Дороси унга ишонган-ку. Эҳтимол, Гордон Гент ҳозир ҳам роль ўйнаётгандир.

“Йўқ,” жавоб берди Эллен. “Ижозат бера олмайман.”

Гент стол устидаги китобни кўрди, уни қўлига олди-да, Элленга деди: “Сен менга ишонмаяпсан. Лекин мана шу Библия билан қасам ичиб айтаман – мен синглингни ўлдирмаганман.”

“Йўқ, ишона олмайман,” деди Эллен. “Синглимни ўлдирган одамга Библияни қўлига олиб қасам ичиш нима бўлибди?”

“Ўзинг биласан,” деди хафсаласи пир бўлган Гент. “Мен кетдим.”

Гордон Гент кетгач, Эллен у ҳақида ўйлади. Гент уни ҳафа қилмади, Эллен эса ич-ичидан у қотил эмаслигини сезар эди. Двайт Павел эҳтимол қотилдир. Уни топиш керак.

Эллен қўлида ҳат билан столга келиб, ўтирди. Конвертнинг устига меҳмонхона манзилени ёзди. Ҳатга эса яна уч-тўрт қатор сўзлар қўшиб қўйди.

“Мен Мовий Денгизда меҳмонхонада яшаяпман. Инглиз тили ўқитувчиси менга кўмак берди. Менимча, Доросини ким ўлдирганини энди биланман. Унинг исми Двайт Павел, у 1520 Ғарбий 35-кўчада яшайди. Эртага уни излаб топмоқчиман.”

Эллен меҳмонхона лоббисига тушди ва хатни почта қутисига солди. Сўнг хонасига қайтди. Ваннани иссиқ сувга тўлдирди-да, ичига тушиб Мовий Денгиз радио станциясини тинглаганча бир соат ўтирди. Гордон Гент “Кейинги тарона Калдвельдан келган дўстим Эллен учун янграйди,” деганида, унинг юзига майин табассум югурди.

Эртаси кун тонгда Эллен Двайт Павел яшайдиган уйга кўнғироқ қилди. Гўшакни уйнинг эгаси кўтарди. Эллен Павелни сўраганида “У ишда. Шаҳар марказидаги Фолджерс қаҳвахонасида ишлайди,” деган жавобни олди.

Элленнинг қарори қатъий эди. У қаҳвахонага бориб, Павел билан Дороси ҳақида гаплашиб олмоқчи эди. Агар Павел Доросининг опаси билан гаплашаётганини билмаса, ёлғон гапиришига ҳожат қолмайди.

Ўн дақиқа ўтар-ўтмас, Эллен қаҳвахонага кириб борди. У жуда шинам ва озода жой экан. Павел пештахтанинг ёнида мижозларга хизмат кўрсатаётган эди. Талабалар файлида Павелнинг суратини кўрган Эллен йигитни кўриши билан дарҳол таниди.

У пештахта ёнига бориб ўтирди.

“Менга қаҳва ва чизбургер беринг, илтимос,” деди Эллен.

У чизбургер еяётган пайт Павел унга гапира бошлади.

“Мен сизни аввал ҳеч бу ерда кўрмаганман,” деди у. “Сиз Мовий Денгизда яшайсизми?”

“Бир неча кун аввал келдим,” жавоб берди Эллен. “Иш қидиряпман. Котиба бўлиб ишлаганман аввал.”

Павел жуда ёқимтой йигит эди. Лекин Эллен Доросининг қотили жуда яхши актёр эканини ёдда тутиши керак. Улар Павелнинг Стоддарт университетидаги талабалик ҳаёти ҳақида ўн дақиқа гаплашдилар. Аммо у то Эллен егулигини тугатмагунча Доросининг исмини тилга олмади.

“Сиз қаҳвахонага кириб келганингизда менга кимнидир эслатдингиз,” деди у. “Боядан бери

кимни эслатганингиз ҳақида ўйлаётгандим ва топдим. У қиз мен билан бирга ўқиган эди. Унинг исми Дороси эди. Жуда яхши қиз эди.” У маъюс та-бассум қилди.

Эллен ўрнидан туриб, кетишга чоғланганида Павел унга, “Бугун кечаси бўшмисиз? Сизни кинога таклиф қилсам майлими?” деди.

У бир лаҳза ўйланиб қолди. Эҳтимол бу йигит ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун яхши имкондир.

“Майли,” деди Эллен. “Бажонидил.”

Улар соат саккизда Эллен яшаб турган меҳмонхонанинг кираверишида учрашишга келишдилар.

“Айтганча, исмингиз нима?” сўради Павел.

“Эвелин Киттридж” жавоб берди Эллен.

“Яхши, соат саккизда учрашамиз, Эвелин,” деди Павел.

Эллен соат етти яримда меҳмонхона лоббисига тушди ва креслога ўтириб, йигитни кутди. У Павел Двайт меҳмонхона қабулхонасидан Эвелин Киттридж исмли қизни сўрашидан кўрқди!

Саккиз бўлишига беш дақиқа қолганда Павел келди. У Элленни шаҳар марказидаги кинога олиб борди. Фильм кўришаётган пайт у қизнинг елкасига қўлини қўйди. Кинодан чиқиб, улар қаҳва ичгани ресторанга йўл олдилар. Сўнг Павел Элленни меҳмонхонага кузатиб қўйди. Улар лоббига кириб, биров гаплашиб ўтирдилар.

“Бугун эрталаб мен сизга кимнидир эслатганим ҳақида гапирдингиз,” деди Эллен. “Унинг исми Дороси эди. Илтимос, менга у ҳақида гапириб беринг.”

“У жуда яхши қиз эди,” жавоб берди Павел. “Мен билан инглиз тили гуруҳида ўқир эди. Бир неча ой у билан ишқий муносабатда бўлганман.”

“Нега у билан орани очик қилгансиз?” сўради Эллен.

“У жуда рашкчи эди,” деди Павел. “У менинг муносабатимни жуда жиддий қабул қилиб юборди. У турмуш қуришимизни хоҳлади. Тўғри, у яхши қиз эди, лекин мен унга уйланишни хоҳламас эдим.”

Яна бироз гаплашишгач, Павел ўрнидан турди.

“Сиз билан эртага оқшом пайт яна кўришсам бўладими?” сўради у. “Рақс клубига борамиз.”

“Бажонидил,” деди Эллен. “Соат етти яримда шу ерга келинг.”

Павел кета туриб қизнинг яноғидан ўпди. Эллен хонасига кириб борганда телефон жиринглаётган экан. Гўшакни кўтарди ва Гордон Гентнинг овозини эшитди.

“Сендан хавотир олдим,” деди Гент. “Хавф остига тушиб қолишингдан кўрқдим. Инглиз тили гуруҳида ўқийдиган бошқа бирорта келишган малласоч йигит билан гаплашдингми?”

“Ҳа,” жавоб берди Эллен. “Мен Двайт Павел билан гаплашдим. Ғалати йигит экан. У менга Дороси исмли севган қизи ҳақида гапирди. Ишончим комил, у менинг синглим ҳақида гапирган. Унинг айтишича, қиз унга турмушга чиқишни хоҳлаган, лекин у уйланишни истамаган. Балки шунинг учун у синглимни ўлдиргандир!”

“Балки ҳақдирсан,” деди Гент. “У билан яна кўришмоқчимисан?”

“Ҳа,” жавоб берди Эллен. “Эртага кечки пайт яна учрашмоқчиман. Лекин мендан хавотир олма.

Менга ҳеч нарса хавф солмайди. Ахир у мен аслида ким эканимни билмайди-ку. Унга ўзимни Эвелин Киттридж деб таништирдим. Эртага ундан Доросининг ўлими ҳақида сўрайман. Балки у газета-ларда ёритилмаган бирор маълумот айтар. Шунда мен унинг қотил эканига ишончим комил бўлади.

“Илтимос, эҳтиёт бўл, Эллен” деди Гент.

“Хўп. Эҳтиёт бўламан,” деди Эллен. “Айтганча, менга атаб мусиқа қўйганинг учун раҳмат. Хайрли тун.”

САККИЗИНЧИ ҚИСМ

Томда

Кейинги кун туш вақти Эллен Мовий Денгиз Мунисипал кутубхонасига борди. У кутубхонада бир неча соат қолиб, Айова газеталарида Доросининг ўлими ҳақида нашр қилинган барча хабарларни ўқиб чиқди. У бу ишни агар Двайт Павел унга газеталарда чоп этилмаган бирор хабарни айтса, дарров билиб олиш учун қилаётган эди. У қотил эканини билиб олиш учун...

Кечки пайт Двайт Павел меҳмонхонага етиб келганида, Эллен уни лоббида кутиб ўтирган эди.

“Мени кечиринг, Двайт,” деди Эллен. “Рақс клубига бора олмайман. Мунисипал биносига адвокатнинг олдига боришим керак. У мени ишга олиши мумкин. У менга соат саккиз яримгача ишда бўлишини айтди. Мен билан бора оласизми? У ерда узоқ қолиб кетмаймиз. У билан гаплашиб бўлгач, яна шу ерга қайтиб келишимиз ва биргаликда бирор нарса ичишимиз мумкин.”

“Майли, Эвелин,” деди Павел. “Сиз билан бораман.” Йигит бу ҳолатдан хурсанд эмаслиги кўришиб турар эди.

Эллен ва Павел Мунисипал биносининг ўн тўртинчи қаватида лифтдан чиқишди.

“Адвокатнинг офиси 1405 хонада жойлашган,” деди Эллен. “У коридорнинг охирида бўлиши керак.” Шундай деб Эллен коридорнинг охирига томон юра бошлади, Павел эса унга эргашди. У бугун тушда офисга кўнғироқ қилганида, адвокатнинг

котибаси офис соат бешда ёпилишини айтган эди. Эллен офисда ҳеч ким бўлмаслига умид қилаётган эди.

Улар 1405 хонани топдилар. Эшикка ФРЕДЕРИК КЛОСЕН – АДВОКАТ деб ёзиб қўйилган эди. Аммо офис ёпик, ичкаридаги чироқлар ҳам ўчиқ эди.

Эллен жаҳл билан соатига қаради.

“Эндигина саккиз бўлди,” деди у. “Мистер Кло-сен билан телефонда гаплашганимда у соат саккиз яримгача шу ерда бўлишини айтган эди. Энди эр-тага яна келишим керак.”

Улар корридор бўйлаб юришар экан, тўсатдан Эллен лифтнинг қаршисида жойлашган темир эшикни қўли била кўрсатди.

“Бу томга олиб борадиган йўл бўлса керак,” деди у. “Томга чиқайлик, Двайт. Тунда манзара ажойиб бўлади. Мен юлдузларни кўришни истайман.”

“Ундан кўра рақс клубига бора қолайлик, Эвелин,” деди Павел асабийлашиб. “Ҳали улгурамиз.”

“Йўқ, мен томга чиқишни хоҳлайман!” деди Эллен. У эшикни очди ва темир зиналардан юқорига кўтарила бошлади. Павел унга секин эргашди.

Томга чиқишгач, Эллен тунги осмонга тикилди.

“Тун жуда чиройли-а?” деди у Павелга. “Ой жуда катта! Юлдузларнинг кўплигини қаранг. Сизга бу ер ёқмаяптими, Двайт?”

“Мен баланд жойларни ёқтирмайман, Эвелин,” Павел ғамгин оҳангда жавоб берди. “Бу ерда ўзим-ни хавфсиз ҳис қилмайман.”

Эллен томнинг четига борди ва девор оша пастга қаради.

“Тушиб кетишдан кўрқасизми, Двайт?” сўради Эллен. “Ўтган йили Стоддард талабаларидан бири

шу ерда ўлдирилган деб эшитгандим. Айнан мана шу бинодан тушиб кетган экан. У томдан фақат икки қават пастга еқилганми? Мана шу уни ўлдирганми?”

“У тушиб кетмаган,” деди Павел кучсиз овозда. “У сакраган. Аммо бу ердан сакрамаган. У ҳаво қудуғига сакраган.”

Элленнинг танаси жунжикиб кетди. “У Дороси қандай ўлганини билар экан,” ўйлади у. “Аммо буни газетадан ўқиб олган бўлиши ҳам мумкин.”

“Сиз ўша ўлган қизни танирмидингиз, Двайт?” баланд овозда сўради Эллен.

“Илтимос, Эвелин, бу ҳақида гапиргим йўқ,” жавоб берди Павел.

“Лекин сиз уни танир эдингизми?” сўради Эллен яна бир бор.

Павел жавоб беришдан аввал бир сония жим турди-да, сўнг жавоб берди.

“Ҳа,” деди у ғамгин оҳангда. “Мен уни танир эдим. Кеча сизга айнан ўша қиз ҳақида гапирган эдим. У менинг севгилим эди. Мен доим Доросининг ўлимида ўзимни айбдор ҳис қиламан. У борган сари жиддийлашиб кетаётгани сабаб орани очик қилгандим. Орадан бир неча ой ўтиб, у ўзини ўлдирди.”

Тўсатдан Элленнинг жаҳли чиқиб кетди. У йигитдан қўрқмаётган эди.

“Ёлғон гапиряпсиз,” бақирди у. “Дороси ўзини ўлдирмаган! Сиз уни ўлдиргансиз. Сиз уни ҳомиладор қилгансиз, кейин эса ўлдиргансиз! Сиз уни ҳаво қудуғига итариб юборгансиз!”

Павел бу гаплардан қўрқиб кетгани Элленга сезилиб турар эди. Аммо йигит ажабланаётган ҳам эди.

“Ҳомиладор?” деди у. “Дороси ҳомиладор эди-ми? Менинг бундан хабарим йўқ эди. Газеталарда унинг ҳомиладорлиги ҳақида ёзилмаган эди-ку. Шунинг учун у ўзини ўлдирган эдими? Эй, Худойим, қандай даҳшат!”

“У ўзини ўлдирмаган!” бақирди Эллен. “Уни сиз ўлдиргансиз. Менинг синглимни сиз ўлдиргансиз!”

“Сизнинг синглингиз?” ажабланди Павел. “Кимсиз ўзи? Мени нега бу ерга олиб келдингиз?”

“Менинг исмим Эллен Кингшип,” деди Эллен. “Сизни эса ҳақиқатни билишни хоҳлаганим учун бу ерга олиб келдим. Мени ҳам ўлдиришга уринманг! Бир одам мен сиз билан шу ерда эканимни билади. Беш дақиқа ичида пастга тушмасак, у полицияга қўнғироқ қилади.”

“Сизни ўлдиришга уринмайман, мисс Кингшип,” маъюс жавоб берди Павел. “Мен ҳеч қачон ҳеч кимни ўлдирмаганман. Илтимос, менга бир нарсани айтинг. Дороси неча ойлик ҳомиладор эди?”

“Неча ойлик ҳомиладор бўлганини ўзингиз яхши биласиз!” бақирди Эллен. “У ўлганида икки ойлик ҳомиладор эди. Шунинг учун сиз уни ўлдиргансиз.”

“Икки ой,” тезда деди Павел. “У ҳолда бола меники эмас экан, мисс Кингшип. Мен Дороси билан 1949 йил Рождестводан олдин орани очиқ қилган эдим. 1950 йил январда эса Нью Йорк шаҳридаги коллежда ўқиш учун бир йилга кетган эдим. Мен Мовий Денгиздан кетишни истагандим. Доросини яна кўришни хоҳламаган эдим. У ўлганида мен Нью Йоркда эдим. Буни исботлашим мумкин! Қишда Доросининг ҳаётида бошқа бир инсон бўлган.”

Тўсатдан Эллен жаҳддан тушди. У йигитнинг сўзларига ишонди.

“Мен... Мени кечиринг, Двайт,” деди Эллен.

“Сизни меҳмонхонага элтиб қўяман,” деди Павел паст овозда.



*Уларнинг ёнидаги столда ўтирган эркакка эса
иккови ҳам аҳамият бермади.*

Ярим соатдан сўнг Павел ва Эллен меҳмонхона лоббисининг бурчагида ўтиришган эди. Уларнинг ёнидаги столда ўтирган эркакка эса иккови ҳам аҳамият бермади. Баланд бўйли, қора пальто ва шляпа кийган бу кимса уларнинг суҳбатини тинглаб ўтирар эди. Улар ҳали ҳам Дороси ҳақида суҳбатлашаётган эдилар, лекин бу сафар Эллен синглицининг қотили Павел эмаслигига ишончи комил эди.

“Дороси билан орани очик қилганимдан бир неча кун ўтиб, уни бошқа бир талаба билан кўрдим,” деди Павел. “У баланд бўйли ҳамда келишган йигит эди. Менга бироз ўхшаб кетар эди. Кейин Дороси бир неча марта у йигит билан кинога тушгани ҳақида миш-мишлар эшитдим. Биз орани очик қилган эдик, табиийки Дороси кимдир уни севишини хоҳлар эди. Жуда ҳам. Шунинг учун бунчалик тез бошқасини топиб олганидан ажабланмадим.”

“У ким эди, Двайт?” сўради Эллен. “Эҳтимол, боланинг отаси удир. Эҳтимол, Доросининг қотили удир!”

“Исмини эслолмайман,” деди Павел. “У бизнинг инглиз тили гуруҳимизда ўқимас эди. Мен уни танимас эдим. Кимдир менга у Дороси билан иктисодиёт гуруҳида бирга ўқишини айтганди. Ва кимдир менга уни исмини ҳам айтганди. Мен уни қайсидир дафтаримга ёзиб кўйгандим. Ҳозир эслолмайман-у, аммо меникига борсак дафтаримни қидириб кўраман.”

“Кетдик унда,” деди Эллен. “Двайт, бугун сизни томга олиб чиққаним учун узр. Доросининг ўлимида сизнинг айбингиз йўқ.”

Улар ўринларидан туриб, меҳмонхонадан чиқиб кетаётганларида ён столдаги ҳалиги кимса йўқ эди.

Эллен телефон буткасига бориб, Мовий Денгиз радио станциясига қўнғироқ қилди. У Гордон Гент билан гаплашмоқчи эди, лекин қўнғироққа жавоб берган аёл Гент банд эканини айтди.

“Гентга бирор нарса деб қўяйми?” сўради аёл.

“Ҳа,” жавоб берди Эллен. “Илтимос, унга Эллен Кингшип қўнғироқ қилганини айтинг. Двайт Павел у одам эмаслигини айтиб қўйинг. Яна унга Павел синглимнинг йигити бўлган бошқа бир йигит ҳақида билишини, ва у йигит инглиз тили гуруҳида ўқимаслигини айтиб қўйинг. Яна айтингки, мен ҳозир Павелнинг уйига ўша талабанинг исмини билиш учун кетяпман, ва Гентга ҳалироқ яна қўнғироқ қиламан.”

Двайт Павел яшайдиган уй бўм-бўш эди. У қаҳва тайёрлади ва Элленни меҳмонхонага таклиф қилди.

“Шу ерда кутиб туринг,” деди Павел. “Мен ётоқхонамга чиқаман. Сиз қидираётган исм менинг коллежда тутган эски дафтарларимдан бирида. Узоқ қолиб кетмайман.”

Павел зинадан кўтарилди ва ўзининг тоза, озода ётоқхонасига кирди. Шкаф тортмасини очиб, дафтарларини ҳаммасини олди. Ва уларни бирма бир варақлай бошлади.

“Шу дафтарларнинг бирига ёзиб қўйгандим,” деди у ўзига ўзи.

Хонанинг бурчагида баланд шкаф бор эди. Унинг эшиги секин очилаётганини Павел пайқамади. Дороси Кингшипнинг қотили шкафнинг ичидан чиқаётганини Павел сезмади. У кимдир тўппончани унга ўқталиб турганини кўрмади.

Эллен тепа қаватдан ўқ овозини эшитди. У меҳмонхонадан югуриб чиқди ва зинадан юқорига кўтарила бошлади. Зинанинг тепасида эса баланд бўйли, келишган йигитга кўзи тушди. Эллен унинг қўлидаги тўппончани кўрмади, чунки у йигитнинг кулиб турган юзига қараётган эди.

“Азизим, сен бу ерда нима қиляпсан?” сўради у йигитдан. “Двайтга нима қилди?”

“Сенга Мовий Денгизга келмагин деб айтгандим-а, Эллен,” деди Бад Корлисс. “Менга қулоқ солишинг керак эди!”

Сўнг у қизга қарата уч марта ўқ узди. Учинчи ўқ Элленнинг чинқиришига нуқта ясади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ: МАРИОН

Тўққизинчи қисм

Нью Йорк

1951 йил сентябр

Марион Кингшип Нью Йорк шаҳрида кичик квартирада бир ўзи яшайди. Уйдаги ҳар бир нарса ташриф буюрган одамга Марионнинг диди ҳақида сўйлайди – китоблар, суратлар ва мусиқа борасидаги диди. Лекин Марионнинг уйига ташриф буюрувчи ягона инсон – бу унинг отаси. У ҳам онда-сонда келади. Ундан ташқари Лео Кингшип қизининг диди билан сира қизиқмайди.

Марион ҳеч қачон отасини яхши кўрмаган. Ота-онаси ажрашганида у ўн ёш эди. Марион тушкунликка тушиб қолган эди. Эллен ўша пайт эндигина олти ёш, Дороси эса беш ёш эди. Икки кичик қизалоқ онаси нега уларни ташлаб кетаётганини тўлиқ англамаган эди, лекин Марион билар эди. У отаси ҳақида меҳрсиз, бераҳм одам деган хулосага келганди. Ажримдан узоқ ўтмай содир бўлган онасининг ўлими эса Марионининг отасига бўлган нафратини кучайтириб юборди.

Марион коллежни битиргунига қадар отаси ва сингиллари билан Леонинг Нью Йоркдаги кўркам уйида яшади. У Нью Йоркдаги Колумбия университетиде таҳсил олди. Ўқишни битиргач эса ҳозир яшаётган квартирасига кўчиб чиқди.

Марион доим реклама агентлигида ишлашни орзу қилиб келган. Коллежни битирганида отаси унга ўз компаниясининг рекламаси билан шуғул-

ланувчи агентликдан иш топиб берди. Лекин Марион отасидан ёрдам олишни хоҳламади. У кичикроқ реклама агентлигига ишга жойлашди. Маоши унча катта эмас, аммо у ишини яхши кўрар эди.

У ўз уйига кўчиб чиққач, отасининг уйига ҳафтада бир марта кечаси борадиган бўлди. Улар доим бир-бирига хушмуомала муносабатда-ку, аслида бир-бирини ёқтирмасди. Тез орада Марион Колумбия университетини битирди, Эллен эса Калдвель коллежида ўқиш учун Висконзинга кетди. Бир йил ўтиб, Дороси Айова штатига Стоддард университетидеда ўқишга кетди. Шунинг учун Марион ҳафтalik бундай кечки овқатларни фақат отаси билан бирга қиладиган бўлди.

Доросининг ўлими уларнинг ўртасидаги муносабатда ҳеч қандай ўзгариш ясамади. Дороси ҳомиладор бўлиб қолгани отасини жаҳлини чиқарди, ўзини жонига қасд қилгани эса вазиятни баттар чигаллаштирди. У қизининг ҳомиладорлиги ҳақидаги маълумотларни беркитиш учун газеталарга оз-мунча пул сарф қилгани йўқ. Охири у кичик қизи ҳақида ўйламасликка қарор қилди. Элленнинг ўлиmidан сўнг эса Лео катта қизи Марионга меҳрибонроқ бўлишга ҳаракат қила бошлади. Марион ўз навбатида отасига ачинар эди. Эндиликда у отасининг уйига аввалгидек ҳафтада бир марта эмас, уч марта келадиган бўлди. Икки фарзандидан айрилган отасига меҳр беришга интилди. Аммо отаси ҳам унга нисбатан меҳрибон бўлган кезлари унга доим нимадир шубҳали туюларди. Аслида у ҳали ҳам отасига ишонмас эди.

Марион Кингшипнинг севган инсони йўқ. Аммо унинг кичик уйи бор, ва у ўз уйини жуда яхши

кўради. Ҳар шанба кунини уй тозалаш билан ўтказди. У бир кун шу уйга меҳрибон ва олийжаноб инсон келишини орзу қилади, ва у инсон умрининг сўнгига қадар уни севиб, қадрлаб яшайди. “У келармикан?” дея у ўзидан кўп сўрайди.

Сентябр. Шанба тонги. Марион уйини тозалаётган эди. У столни устини артди-да, деворда осифлик турган Чарлз Демуснинг расми “Менинг Мисрим”га қаради. Демус унинг сеvimли рассоми, “Менинг Мисрим” эса унинг сеvimли расми.

Шу пайт телефон жиринглади, Марион гўшакни кўтарди.

“Алло,” деди у.

“Алло,” деди гўшакнинг нариги томонидан эркак кишининг овози. Марион овоз эгасини танимади. “Сиз Марион Кингшипмисиз?”

“Ҳа,” жавоб берди Марион. “Кимсиз?”

“Менинг исмим Бартон Корлис – Бад Корлис,” жавоб берди йигит. “Синглингиз Элленни танишиман.”

“Ҳа, Эллен сиз ҳақингизда айтган эди, мистер Корлис,” деди Марион.

Синглиси Эллен бу йигит ҳақида рождество пайти қанақа ҳаяжон билан гапиргани Марионни кўз олдида гавдаланди. “Мен уни жуда ҳам севаман, Марион,” деган эди синглиси. “У жуда ҳам олийжаноб ва меҳрибон.”

“Сиз билан учрашсам дегандим, мисс Кингшип,” деди Бад Корлис хушмуомалалик билан. “Менда Элленнинг китоби бор. Вафотидан бир ҳафта олдин менга ўқиш учун бериб турган эди. Уни сизга қайтармоқчиман. Уйингизга олиб борсам майлими?”

Марионнинг боши қотди. Бу йигит синглицининг кадрли нарсасини қайтариб бермоқчи. Албатта, бу олийжаноблик. Бироқ Марион йигит унинг уйига келишини хоҳламади. Уй бошқа бир инсонни кутаётган эди.

“Кечирасиз, мистер Корлис, мен кўчага чиқиб кетаётгандим,” ёлғон гапирди Марион. “Балки сиз билан бугун туш пайти кўришармиз? Мен харид учун Бешинчи Авеньюга бораман. Сиз билан ўша ерда соат учда учрашишим мумкин.”

“Маъқул,” жавоб берди йигит. “Сизни Рокфеллер марказининг ташқарисидаги ҳайкал ёнида кутаман. Кейин бирга бирор нарса ичамиз. Хайр, мисс Кингшип.”

“Хайр,” деди Марион. У гўшакни қўйди.

Бу кўнғироқ Марионни хурсанд қилмади. Шанба у учун алоҳида аҳамиятга эга кун эди. У кўчага чиқишни хоҳламади. У Элленнинг бирорта дўсти билан учрашишни хоҳламасди. Ва у Элленнинг қандайдир китобини олишни ҳам хоҳламас эди. Эллен Марион ёқтирган китобларни ҳеч қачон ёқтирмаган. Марион Прауст, Флауберт ва XIX асрнинг ҳамма буюк роман ёзувчиларининг китобларини севиб ўқийди. Эллен эса бирорта маънога эга бўлмаган бўлмағур замонавий ҳикояларни ёқтирар эди.

“Бу йигит билан узоқ қолиб кетмайман,” ўйлади Марион.

Бад Корлис Марион Кингшипни узоқдан таниди. У иккала синглицига ҳам ўхшаб кетарди.

У Марионни барга олиб кирди ва ичимлик сотиб олди. Улар кичик столга келиб ўтиришганида йигит Марионга Элленнинг китобини берди.

“Мен уни ўқиб чиқдим,” деди йигит. “Лекин менга ёқмади. Мен бу турдаги китоблардан завқ олмайман. Элленнинг китоблар борасидаги таъби меникидан фарқ қилар эди. Бундай китобларни мен бўлмағур деб атайман. Менга Прауст, Флауберт, Диккенс каби ёзувчилар ёқади.”



Бад Корлис Марион Кингшипни узоқдан таниди.

Марион жилмайди. “Мен ҳам уларни ёқтираман,” деди у.

“Эллен менга сиз реклама агентлигида ишлашингизни айтган эди,” деди Бад.

“Ҳа, тўғри,” жавоб берди Марион. “Сиз ҳали ҳам Калдвельда ўқияпсизми?”

“Йўқ, мен коллеждан кетдим,” жавоб берди йигит.

“Аммо Рождество пайти сиз учинчи босқич талабаси эдингиз, шекилли,” деди Марион. “Нега оҳирги босқични ўқимай ташлаб кетдингиз?”

“Бир неча йил аввал отам дунёдан кўз юмди,” жавоб берди Бад. “Онам ишлашига тўғри келди. У одамларнинг уйини тозалар эди. Энди уни илашини ортиқ хоҳламайман. Шунинг учун Нью Йоркга келдим ва ишга кирдим. Балки кейинги йил коллежга қайтиб, ўқишимни давом эттирарман.”

Бир неча сониядан сўнг Марион ўрнидан турди.

“Мен энди кетишим керак, Бад,” деди у. “Ичимлик учун раҳмат.”

“Яна бироз ўтирмайсизми?” сўради Бад.

“Яна бир инсон билан учрашишим керак,” ёлгон гапирди у. “Иш юзасидан, шунинг учун кеч қолмаслигим керак.”

Марион бардан чиқиб кетар экан, Бад уни ортидан қараб қолди. Кейин жуда эҳтиёткорлик билан унинг ортидан кузатиб борди. У қизни кўпқаватли турар-жой биносига кириб кетганини кўрди. Ярим соат кутганидан кейин ҳам Марион қайтиб чиқмади.

“Иш юзасидан учрашув эмиш!” деди Бад ўзига ўзи. “Йўқ – бу унинг яшаш жойи.”

Бад уйига кета бошлади. У шахарнинг камбағал аҳли яшайдиган қисмидан кичик бир хонани ижарага олган эди. У энди Марион Кингшип қаерда яшашини билади. У энди истаган пайти унинг уйи яқинидага кўчага махфиёна бориши мумкин. Марион қаерга борса ҳам унинг ортидан бориши мумкин.

Эллен Кингшипни ўлдиргач, Бад Корлис бир неча ой ҳам жаҳли чиқиб, ҳам кўрқиб юрди. У Кингшипларга сарфлаган вақтидан жаҳли чиқарди – дастлаб Доросига, кейин эса Элленга. Кўркувининг сабаби эса ўз келажаги эди. Ҳаммасини режалаштириб қўйганидан кейин ҳам у камбағал бўлиб ўтадимми? У Лео Кингшипнинг пулларига қисман бўлса ҳам эга чиқишни жуда ҳам хоҳларди. Аммо ҳаммаси чаппасига кетди. У Дороси ҳомиладор бўлишини истамаганди. Элленга эса Мовий Денгизга бормасликни айтганди, аммо аҳмоқ қиз кулоқ солмади.

Бад Мовий Денгиз полициясидан хавотир олмайди. Улар Бадни бўлиб ўтган иккала қотилликка ҳам алоқаси борлигига ҳеч қачон шубҳа қилмайдилар. У доим эҳтиёткорлик билан иш қилган. Элленнинг хатини олиши биланок, тезда бирор чора кўриши кераклигини билган. Чунки Эллен Дороси ва у ҳақидаги деярли барча ҳақиқатни билиб қолаётган эди. Хонасидаги шкафда то армия пайтидан бери сақлаб келаётган қуролни олди. Кеч тушгач, Калдвельдан машина ўғирлади ва Мовий Денгизга келди. У ерда Павел ва Элленни ўлдиргач, тезда Калдвельга қайтди. Йўлда бир лаҳзага кўприк устида тўхтади ва Мисисиппи дарёсига қуролни улоқтирди. Ҳа, у жуда эҳтиёткор эди! У Двайт Па-

велнинг уйида қўлларига қўлқоп кийиб олган эди. Шунинг учун полиция Баднинг бармоқ изларини топа олмайди. Машинани эса қаердан ўғирлаган бўлса, ўша ерга қайтариб олиб келиб қўйди.

Ҳар сафар қотилликдан сўнг у Айова газеталарини ўқиб борди. У ерда полиция қотиллик юзасидан тафтиш олиб бораётгани ҳақида ёзилар эди. Ҳарр бир сонини ўқиб бораётган Бад тез орада полиция қотилни топа олмаслигига амин бўлди. У Гордон Гант исмли йигит Мовий Денгиз радиостанциясидан бўшатилагани ҳақида ҳам ўқиди. Гант полицияга ҳам, Элленнинг отасига ҳам юз берган қотилликлар ҳақида кўрсатма бермоқчи бўлган. У полицияга Доросининг ўлими суиқасд эмас, балки қотиллик эканини, Эллен эса сингисининг қотилини излаётгани ҳақида айтишга уринган. Аммо полиция унинг сўзларига ишонмагач, Гант ўз радио эшиттиришларида полиция ҳақида қўпол сўзларни айта бошлаган. Бундан жаҳдли чиққан радиостанция директори уни ишдан бўшатиб юборган. Аммо Бад бундан чўчимаётган эди – Гант ҳеч нарсани исботлай олмайди!

Ўша йили ёзги таътилга чиққан Бад, июньда Менассетга онасининг ёнига қайтди. мақсадлари амалга ошмаган Бад деярли ҳар куни онаси билан жанжаллашар эди. У жуда қўпол ва жаҳлдор бўлиб қолган эди. Бир куни оқшомда унда бир фикр уйғонди. Балки Дороси ва Элленга сарфланган вақт унга асқотар!

Улар ҳозир йўқ, аммо Марион Кингшип тирик-ку. Лео Кингшип эса ҳали ҳам бадавлат!

Бад Марион Кингшип ҳақида жжуда кўп нарсани билади. Дороси ҳам, Эллен ҳам у ҳақида анча

гапирган. У иккала қизни ҳам оиласи ҳақида гапираётганида диққат билан тинглар эди! Марион иккала синглисига ҳам ўхшамас эди, ва буни Бад билар эди. У адабиётда ҳам, мусиқада ҳам классикани афзал кўради. У Бад умрида бирор марта эшитмаган рассомларнинг ижодига қизиқади.

Бад бир варақ қоғозга Марион Кингшип ҳақида билган барчасини ёзиб қўйган эди.

МАРИОН КИНГШИП

Ёқтирган нарсалари:

КИТОБЛАР: Прауст, Флоберт, Диккенз ва бошқалар

ПЬЕСАЛАР: Бернард Шоу, Тенеси Уилямс

МУСИҚА: Стравинский, Барток

РАССОМЛАР: Ренуар, Ван Гог, Ҳоппер

Унинг севимли рассоми Чарльз Демус (Демус ёки Демос – текшириш керак)

ТАОМ: Италиян ва армиян таомларини жуда яхши кўради.

Қилинадиган ишлар рўйхати:

Рассомлар ҳақида ёзилган китобларни ўқи. Прауст, Шоу ва Флоберт асарларини ўқи. Нью Йоркда италиян ва армиян ресторанларини топ.

Бад шуларни ёзиб бўлгач, қоғозни ўзининг шахсий нарсалари сақланадиган кичик металл қутчасига солиб қўйди. Кингшип мис заводининг брошьюралари ҳам шу қутичада сақланар эди. У қутичани қулфлаб, ётоқхонасидаги шкаф ичида яшириб қўйди.

Эртаси куни у онасига сентябрда Калдвел коллежида ўқиши давом эттирмоқчи эмаслигини айтди.

“Нью Йоркка бормоқчиман,” деди у. “У ердан иш топаман. Жуда ҳам яхши нарсаларни ўйлаб қўйганман, аммо ҳозир уни сизга айтолмайман. Бу сир!”

Онаси унга қараб, жилмайиб қўйди.

“Сен доим жуда яхши нарсаларни ўйлаб қўясан, Бад,” деди у.

Бад Корлис билан илк бор учрашгандан сўнг якшанба куни тушдан кейин Марион Кингшип Нью Йорк замонавий санъат музейининг катта, ёруғ хоналаридан бирида ўтирган эди. У бу музейга якшанба кунлари тез-тез келиб турарди. Бу Марионинг шаҳардаги энг севимли жойи эди. Катта ҳайкалларни томоша қилаётганда орқасидан кимдир келаётганини эшитди.

“Яна бир бор салом, Марион,” деди Бад Корлис. “Сизни бу ерда учратаман деб ўйламаган эдим.”

Бад ёлғон гапираётган эди. У Марионни учратишни кутган эди. Марионнинг уйига яқин жойга келиб, у кўчага чиқишини кутган ва музейгача ортидан эргашиб келган эди.

“Бу музей менга жуда ёқади,” гапида давом этди Бад. “Бу ерга тез-тез келиб тураман.”

Бу гап ҳам ёлғон эди. Бад бу ерга бундан олдин фақат бир марта келган эди. У Марионга ёқадиган замонавий рассомларнинг ишлари қайси хонада жойлашганини билиб олган эди.

“Мен ҳам тез-тез келиб тураман,” деди Марион. У қаршисидаги йигитга табассум билан қаради.

“Мен доим Эллен ҳам санъатга қизиқишини

хоҳлаганман,” деди Бад. “Лекин у ҳеч қачон музейга келишни ва суратларни томоша қилишни хоҳламаган. Эллен жуда ҳам ёқимтой қиз эди, лекин бизнинг дидимиз бир-биридан фарқ қилар эди. У менга жуда ёқарди-ю, аммо коллежни битиргач муносабатларимиз узоқ вақт давом этмаслигини сезардим.” У бир лаҳза ғамгин кўринди. Кейин эса табассум қилди.

“Келинг, суратларни бирга томоша қиламиз,” деди Бад. “Менга америкаликларнинг расмлари ёқади. Менинг севимли рассомим америкалик. Унинг исми Чарльз Демус. Унинг ижоди билан танишмисиз, Марион?”

Бир неча соат ўтиб, музейдан чиқиб кетишар экан, Бад Марионнинг кўлидан ушлади.

“Сизни бугун кечки овқатга таклиф қилмоқчи эдим,” деди у. “Бир ажойиб армиян ресторани биламан. Бу ердан узоқ эмас. Сизга армиян таомлари ёқадими, Марион?”

ЎНИНЧИ ҚИСМ

Гордон Гант

1951 йил декабр

24 декабр – Рождество арафаси эди. Марион Кингшип кўлидаги газетага қаради ва жилмайди. Эртага Рождество. Бир неча кундан сўнг эса унинг тўйи бўлади. Ва ниҳоят унинг бахтли кунлари келди!

У газетадаги мақолани яна бир бор ўқиди.

МАРИОН КИНГШИП ШАНБА КУНИ ТУРМУШГА ЧИҚАДИ

Жаноб Лео Кингшипнинг қизи Мисс Марион Кингшип шанба куни турмушга чиқади. Унинг отаси жаноб Лео Кингшип АҚШдаги энг муваффақиятли компанияларнинг бири бўлган “Кингшип мис заводи”нинг эгаси. Мисс Кингшип эса жаноб Бартон Корлисга турмушга чиқаяпти.

Жаноб Корлис иккинчи жаҳон уруши даврида армияда хизмат қилган, кекйинчалик эса Висконзинда Калдвель коллежида таҳсил олган. Ҳозирда эса Кингшип мис заводи идорасида ишлайди. Мисс Кингшип эса аввалги ҳафтагача реклама агентлигида ишлаб келган.

Марион яна кулиб қўйди. Охирги икки ой у учун осон бўлмади. Аввалига унинг отаси Баддан шубҳаланиб юрди. Марион отасига Бад ҳақида айтганида, отаси: “Бу йигит сени севмайди, у менинг пулларимни севади,” деди. “Биринчи у Эллендан пул олмоқчи бўлган. Кейин уни ўлдириб кетишди. Шунинг учун у сендан фойдаланмоқчи! Ҳали мен уни суриштириб, кўпроқ маълумот топаман.”

“Агар шундай қилсангиз,” деди Марион жаҳл билан, “сиз билан бошқа гаплашмайман!”

Отаси қизи ҳақиқатан ҳам гаплашмай қўйишини тушунди, шунинг учун Бадни ҳеч кимдан суриштирмасликка ваъда берди. Эллен ҳам бир пайтлар отасига Бад билан турмуш қурмоқчи эканини айтганди. “Биз жуда бахтли бўламиз, дада,” деган эди у, “Биз бир нарсаларни ёқтирамыз. Бир хил китобларни, пьесаларни ва бир хил расмларни. Биз хатто бир хил таомни яхши кўрамыз!”

Охири Лео Бад ҳақидаги фикрини ўзгартирди ва тўйга розилик берди. “Хотиним ва икки қизимдан айрилдим,” деди у. “Сендан ҳам айрилишни хоҳламайман, Марион.”

Бир ҳафтадан сўнг у Бадга компаниясидан яхши иш берди. Кейин эса тўйдан кейин яшашлари учун Нью Йоркдан чиройли уй олиб берди. Ҳаммаси рисоладагидек эди!

Рождество арафаси куни пешинда Лео Кингшип идорада ишлаб ўтирган маҳал телефон жиринглади ва у қўнғироққа жавоб берди.

“Сизнинг олдингизга бир одам келди. Зудлик билан гаплашмасам бўлмайди деяпти, сэр,” деди котиба. “Унинг исми Роберт Детвайлер экан.”

Бироздан сўнг хонага қўлида газета ва иккита китоб кўтарган йигит кириб келди. Лео Кингшип унга бир муддат қараб турди.

“Мен сизни аввал ҳам кўрганман,” деди у. “Лекин сизнинг исмингиз Детвайлер эмас.”

“Тўғри айтасиз, сэр,” жавоб берди йигит. “Мен Гордон Гантман. Биз мартт ойида Мовий Денгизда учрашганмиз. Агар котибангизга ҳақиқий исминини айтсам мен билан кўришмайсиз деб ўйладим.

Олдингизга келишимга бугун эрталаб ўқиган газетам сабаб бўлди – қизингизнинг тўйи ҳақидаги мақола. Сизга муҳим гапни айтишим керак, сэр.”

“Жаноб Гант,” деди Лео, “илтимос гапиришдан аввал яхшилаб ўйлаб кўринг. Март ойида сиз менга ва қизим Марионга Эллен билан кўришганингиз ҳақида айтиб берган эдингиз. Сиз бизга Доросининг ўлими қотиллик бўлганини айтган эдингиз. Яна сиз Дороси кийиб олган эски, янги, қарзга олинган ва кўк кийимлар ҳақидаги Элленнинг фикрини айтгандингиз. Аммо полиция Дороси ўз жонига қасд қилган деган. Шундан сўнг сиз уни кимдир ўлдирганини исбот қила олмаган эдингиз.”

“Аминманки, сиз айтган сабабларингиз ўринли,” давом этди Лео. “Аммо шуни билингки, сиз айтаётган сўзлар бизни чуқур қайғуга солади. Илтимос, бизга ўша гапларни қайта айтманг. Полиция ҳеч қачон Элленнинг қотилини топмайди, Дороси эса ўз жонига қасд қилган. Марион бир неча кундан сўнг турмушга чиқади. Мен уни хурсанд кўришни хоҳлайман, жаноб Гант.”

“Илтимос, мени бир дақиқа тингланг, сэр,” деди Гант. “Мен қизингиз Бартон Корлисга турмушга чиқаётганини ўқиб қолдим. Корлис Элленнинг Калдвел коллежидаги севгилиси бўлгани ёдимга тушди. Кейин бу йигит сизнинг қизларингиздан кўра кўпроқ сизнинг бойлигингизга қизиқмаяптими деб ўйлаб қолдимю бу сизнинг ҳаёлингизга келмадими? Кейин эса Корлис Доросини ҳам таниган бўлса-чи деган фикр келди. Балки айнан у боланинг отаси бўлгандир. Мен Корлисни танимайман, лекин у Стоддард талабаси бўлганми ёки

йўқми деб қизиқа бошладим.”

“Йўк, Ишончим комил, у Стоддардда ўқимаган, жаноб Гант,” деди Лео. “Сиз ўзинингиз ҳам Стоддард талабасисиз. Дороси билан бир хил курсда ўқиганингиз ҳақида ўзингиз айтгандингиз. Агар Корлис ҳам Стоддардда бўлганида, сиз уни танишингиз керак эди.”

“Ундай эмас, сэр,” жавоб берди Гант. “Стоддард жуда катта университет. У ерда ўн икки мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Ҳеч ким у ердаги ҳамма талабаларни таний олмайди. Дороси билан инглиз тилида битта гуруҳда дарс олганимиз учун Эллен ҳам мени Доросини танийди деб ўйлаган. Лекин у адашган эди. Гуруҳ катта эди, мен эса ҳеч қачон Дороси билан гаплашмаганман. Аммо март ойида мен сизга бир муҳим нарсани айтганман. Эллен ўлган куни сал эртароқ менга хабар қолдирган эди. Хабарда Доросининг йигити инглиз тили гуруҳида ўқимаслиги айтилган эди.”

“Бугун тонгда эса,” давом этди Гант, “Эллен Корлисга ёзган мактубидаги бир нарса эсимга тушиб қолди. Унда айтилишича, Эллен уни 1950 йил кузда илк бор Калдвельда учратган эди. Лекин Калдвель кичик коллеж, сэр. У ерда бор йўғи саккиз юзта талаба бор. Барча талабалар бир-бирини танийди. Корлис ва Эллен учинчи курс эдилар, аммо улар фақатгина учинчи курснинг бошидагина танишишган. Демак, Карлос Калдвельга айнан ўша кузда бошқа коллеждан келган. Шунинг учун ҳам Эллен уни аввал учратмаган.

“Энди мен нима деб ўйлашимни эшитинг,” давом этди Гант. “Бартон Корлис Стоддардда бўлган. У Доросининг севгилисига айланган, чунки Доро-

си сизнинг қизингиз бўлган. У эса бадавлат қизга уйланишни хоҳлаган. Дороси ҳомиладор бўлиб қолганида эса, сиз бундан жаҳлингиз чиқишини Корлис сезган. Сиз Доросига пул бермай қўйишингизни ўйлаган. Шунинг учун у Доросини ўлдирган! Кейин эса Калдвельга ўқишини кўчирган. Чунки у ҳали ҳам сизнинг бойлигингизга эга бўлишни истар эди. У ерда Элленнинг йигитига айланди. Эллен Доросининг ўлими қотиллик эканини билиб қолгач, уни ҳам ўлдирган. Шунингдек, Элленга ёрдам бераётган бир йигитни ҳам ўлдирган. Энди эса Корлис Нью Йоркка келди. Марионга уйланиб, ва ниҳоят сизнинг пулларингизга эга бўлади!”

“Сиз бунга бирортаси исбот қилолмайсиз,” жаҳл билан гапирди Лео. “Нега менга буларни энди айтяпсиз?”

“Мен Элленни бир неча дақиқага учратганман, холос,” мулойимлик билан жавоб берди Гант. “Лекин у менга жуда ҳам ёқиб қолганди. Одамлар унинг ўлими ҳақидаги ҳақиқатни билиши керак. Унинг қотили эса жазоланиши керак деб ўйлайман.

“Корлис Стоддard талабаси бўлганини исботлаб бера оламан,” гапида давом этди Гант. “Элленнинг мактубидаги сўзларни эслашим билан, бу ишларни изига тушдим.” У қўлидаги китоблардан бирни очди. “Бу Стоддard университетининг 1949-1950 ўқув йили учун яратилган йилномаси. Мана бу жаноб Корлиснинг расми, бу эса у олган дарслар рўйхати.” У қўли билан рўйхатни кўрсатди. “У Доросининг инглиз тили гуруҳида бўлмаган, у фалсафа ва иқтисодиёт дарсида Дороси билан бирга ўқиган! У дарслар эса кичик гуруҳларда ташкил этилади. Улар бир-бирини таниган бўлиши ке-

рак!” Гант бошқа китобни очди. “Корлис 1948-1949 йилномада ҳам бор.”

“Эй, Худойим!” қайғули оҳангда гапирди Лео. “Нега Марион менга бу ҳақида айтмади?”

“Эҳтимол у бу ҳақида билмаса керак,” жавоб қайтарди Гант. “Газеталарда Корлис Калдвельда ўқигани ҳақида ёзишган, аммо Стоддард ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Нега? Балки Корлис Нью Йоркда ҳеч кимга Стоддард ҳақида айтмагандир. Шунинг учун ҳам Марион бу ҳақида билмагандир. Менимча, сиз қизингизга бу ҳақида айтишингиз керак. Тўғри, мен ҳозир у Дороси ёки Элленни ўлдирганини исботлай олмайман, лекин Эллендан аввал Дороси билан танишганини исботлай оламан. Шунингдек, сиз Марионга ҳеч иккиланмай Корлис Кингшипларнинг пулига қизиқаётганини айтишингиз мумкин.”

“У менга ишонмайди, жаноб Гант,” жавоб берди Лео. “Ҳа, у менга ишонмайди. Бу гапларни айтсам, “Бад Дороси ҳақида мени ҳафа қилмаслик учун айтмаган” деб жавоб қайтаради. Қўлимдан ҳеч нарса келмайди, жаноб Гант. Корлиснинг онаси бугун кечаси Нью Йоркка келади. Шанба куни Марион ва Корлиснинг тўйи бўлади. Мен буни тўхтата олмайман.”

“Унда мен тафтиш қилишда давом этишим керак экан,” деди Гант. “Хайр, жаноб Кингшип. Мени тинглаганингиз учун раҳмат.” У ўгирилди-да, хонадан чиқиб кетди.

Кечқурун Баднинг онаси Нью Йоркка келди. У кечки овқатни Леонинг уйида қилди. Марион у билан учрашганидан хурсанд эди. Унга Корлис хоним жуда ёқиб қолди.

Кечки овқатдан сўнг Баднинг онаси меҳмонхонага қайтди. “Жуда ҳам ажойиб аёл,” деди Марион Бадга. “Сиз эса унинг ажойиб ўғлисиз.”

Корлис хоним Рождествони ўғли ва Кингшиплар оиласи билан нишонламоқчи эди. Тўй ўтгач эса, яна тўрт кун шаҳарда қолмоқчи эди. Гарчи у аввал Нью Йоркда бўлмаган бўлса ҳам, тўйдан бир кун олдин у ёлғиз ўзи шаҳарни тамоша қилмоқчи бўлди. Ўша куни Лео ўзи, Бад ва Марион учун Иллионисга Кингшип мис заводидаги эритиш ишларини кўриш учун сафар уюштирди. Бад заводдаги эритиш ишларини кўришни жуда ҳам хоҳлаётган эди.

27 декабр окшомида Гордон Гант Лео Кингшип эшигини тақиллатди.

“Нега келдингиз?” асабийлашиб сўради Лео. “Марион сизни бу ерда кўрмалиги керак. Агар у мени Корлисни суриштириш учун одам ёллаган деб ўйласа, мен билан ҳеч қачон гаплашмайди.”

“Қизингиз қани, сэр?” сўради Гант.

“У Корлис ва унинг онаси билан айланишга кетди,” жавоб берди Лео. “Агар менга айтадиган гапингиз бўлса, бир еча дақиқага ичкарига киришингиз мумкин.”

“Менга кулоқ солинг, сэр,” гап бошлади Гант Леонинг кутубхонасида. “Икки кун аввал Менассетга бордим. Олдин ҳеч қачон бировни уйига бузиб кирмаганман. Лекин сиз Корлис хоним Рождествони нишонлаш учун Нью Йоркка келишини айтгандингиз. Шунинг учун мен унинг манзилини топдим-да, уйига эшикни бузиб кирдим. Бад Корлиснинг хонасидаги шкафдан қутича топиб олдим. Уни синдириб очдим, сэр. Ва қутичадан мана буларни топдим.”

Шундай деб у Леога Кингшип заводининг брошюраларини берди. Улар эскирганидан титилиб кетган эди. Улар жуда кўп марта ўқилган эди!



*Бад Корлиснинг хонасидаги шкафдан қутича
топиб олдим.*

“Мана буни ҳам топдим,” давом этди Гант. У Леога Марионга ёдиган нарсалар ёзилган қоғозни узатди.

“Сиз буларни айнан Менассетдан топганингизни қаердан биламан,” деди Лео. “Сиз брошюраларни менинг офисимдан олган бўлишингиз, мана рўйхатни эса ўзингиз ёзиб келган бўлишингиз мумкин-ку.”

“Эртага идорангизга қўнғироқ қилинг,” жавоб берди Гант. “Жаноб Бартон Корлисга брошюралар ҳеч жўнатилганми ёки йўқми сўранг. Агар ҳа деб жавоб беришса, қачон жўнатилганини сўранг.”

Лео телефон гўшагини кўтарди ва идорасининг рақамини терди. “Ҳозироқ аниқлаштираман,” деди у. “Нью Йорк идораларида навбатчи ишчилар бўлади.”

Бироздан сўнг котиба қўнғироққа жавоб берди. Уч-тўрт дақиқа сукунат ҳукм сурди. Лео котибани диққат билан тинглаётган эди. Ва ниҳоят Лео “Тушундим. Раҳмат,” дея гўшакни қўйди.

“Сиз ҳақ экансиз, жаноб Гант,” деди у. “Сизга ишонмаганим учун кечиринг. Компания брошюралари Бад Корлисга, Мовий Денгизга ўтган йили февралнинг бошида жўнатилган экан. Бу эса Доросининг ўлимидан ўн ҳафта олдинги вақт. Бу брошюраларни олиши биланоқ у Дороси билан ишқий муносабат ўрнатган ва Дороси теза ҳомиладор бўлган.” Лео қўлларини юзига қўйди. “Мен буни Марионга айтишим керак. Бу эса осон кечмайди.”

Тўсатдан Леонинг жаҳли чиқиб кетди. “Корлис менинг пулларимни хоҳлаган деб тўғри айтдингиз, жаноб Гант,” деди у. “Менимча, у қотил деган гапингиз ҳам тўғри. Биз буни исботлай олмаймиз – полиция бизга ҳеч қачон ишонмайди. Аммо у мени қизларимни ўлдирган бўлса, жазо олиши

керак! Биз уни қилган ишини тан олишга мажбур қилишимиз керак. Менга ёрдам берасизми?”

“Ҳа, албатта, сэр,” деди Гант.

“Мен бугун кечаси Марионга ҳаммасини айтаман,” деди Лео. “У ҳа бизга ёрдам бериши керак. У Корлисга биз ҳақиқатни билишимз ҳақида айтиб қўймаслиги керак. Акс ҳолда, у қочиб кетади. Ғойиб бўлади. Шунинг учун Марион шанба куни ўзини унга турмушга чиқаётгандай тутиши керак. Эртага биз мисни эритиш жойига борамиз!”

ЎН БИРИНЧИ ҚИСМ

Мис эритиш заводи

Бад Корлис Кингшип заводининг хусусий самолёти деразаларидан ташқарига қараётган эди. Унинг кайфияти чоғ эди. Осмон тиниқ, қуёш чарақлаб турган эди. Кичик самолёт ерга қўна бошлади. Бад қаршисида улкан мис эритиш заводини кўрди. Баланд бинолар тоmidан катта миқдорда тутунлар чиқаётган эди. Ерларда эса темир йўл излари оппоқ қор орасидан ярқираб кўриниб турар эди. Буларнинг барчаси чиройли эди. Бад умрининг энг яхши лаҳзаларини бошдан кечираётгандай ҳис қилди.

Самолётда Лео ва Марион ҳам у билан эди, ва яна Детвайлер исмли йигит ҳам бор эди. Лео Детвайлерни компания директорларидан бирининг ўғли деб таништирди.

Самолёт завод яқинига келиб қўнди. Лео, Марион, Детвайлер ва Бадни завод менежери кутиб олди. Улар ҳаммаси менежернинг идорасида тушлик қилдилар, кейин эса менежер Бад ва Марионни катта суратлар осилган хонага олиб кирди. Расмларда соф мис қандай қилиб ажратиб олиниш жараёнлари кўрсатилган эди. Менежер бу ҳақида бир соатдан ортиқ гапирди. Бад қизиқиб тинглаётган эди. У ҳаётида ҳеч нарсага бунчалик қизиқмаган эди.

“Леонинг ёши ҳам бир жойга бориб қолган,” деди у ўзига. “У узоқ яшамайди. Эртага эса, мен унинг куёвига айланаман. Лео ўлгач, буларнинг бари меники бўлади!”

Шу пайт Лео ва Детвайлер хонага кириб келишди.

“Кетдик, юқоридаги йўлакларга чиқамиз,” деди Лео. “У ердан пастдаги жараён яхши кўринади. Кейин ҳаммасини осон тушунасизлар. Марион шу ерда қолади.”

Лео ўз ортидан Бад ва Детвайлерни эргаштириб, катта биноларнинг бирига борди. У ерда мис эритишаётган эди. Бинонинг ичи жуда иссиқ, ва тутун билан қопланган эди. Лео қўли билан томни кўрсатди. У айтган юқоридаги йўлак жуда узун ва анча баландда жойлашган эди. Унинг поли металдан эди ва ён томонлари ҳам металл тўсиқлар билан чегараланган эди. Лео нарвондан юқорига чиқа бошлади. Бад ва Детвайлер ҳам унга эргашдилар.

Улар юқоридаги йўлакка чиқишгач, Лео Баддан олдинга ўтиб олишини сўради. Уч киши йўлак бўйлаб юрар экан, Лео мисни эритиш жараёнини яна бир бор тушунтирди. Гапираётганида қўли билан пастдаги қайноқ, суюқ метал солинган идишларни кўрсатди. У ҳар бир идиш нима учун ишлатилишини тушунтирди. Кейин мис қандай қилиб бошқа металллардан ажратиб олиниб, соф ҳолга келиши ҳақида гапириб берди. Бад кўп саволлар берди, Лео уларнинг барчасига жавоб берди.

“Сўнгги идиш эса мана шу йўлакнинг охирида,” деди Лео. “Ундаги мис соф.”

Бир дақиқадан сўнг улар йўлакнинг охирига етдилар. Бад пастга қаради. Пастда соф суюқ мис солинган улкан идишни кўрди. Суюқ металдан дахшатли иссиқлик ва яшил тутун чиқиб турган эди. Йўлакнинг ёнларида металдан ясалган тўсиқ бўлсаам, охирида йўқ эди. Фақатгина битта темир занжир ўрнатилган эди.

“Яна саволларингиз борми, Бад?” сўради Лео. Бад Лео ва Детвайлер томонга ўтирилди.

“Йўқ,” жавоб берди у. Тўсатдан у Лео ва Детвайлер унга совуқ ва жаҳл аралаш нигоҳ билан қараб турганларини сезиб, ҳайрон бўлди.



*“Қандай қилиб Доросидан суиқасд хатини
ёздириб олдингиз?”*

“Унда менинг сизга саволим бор,” деди Лео. “Қандай қилиб Доросидан суиқасд хатини ёздириб олдингиз?”

Бад карахт бўлиб қолди. Улар билишар экан! Аммо нимани билишади? Ва қаердан билишади?

“Сизни тушунмаяпман, Лео,” деди у. “Мен ҳеч қачон Доросини танимаганман. Мен ҳеч қачон уни кўрмаганман. Элленни танир эдим – буни ўзингиз ҳам биласиз. Лекин Эллен билан танишганимда Дороси аллақачон ўлган эди.”

“Биз сенга ишонмаймиз, Корлис,” деди Гант. “Бизнинг сени Стоддard талабаси бўлганингдан хабаримиз бор. Биз, шунингдек, сен Дороси билан иккита дарсда бир гуруҳда ўқиганингни ҳам биламиз. Яна шуни ҳам биламизки, уни сен ўлдиргансан!”

“Сен кимсан, Детвайлер?” деди Бад. “Бу ерда ўзи нима қиляпсан?”

“Мен Элленни таниганим учун келдим,” жавоб берди Гант. “Менинг исмим аслида Детвайлер эмас, балки Гант – Гордон Гант. Мен Эллен билан сен уни ўлдиришингдан бир кун олдин танишгандим. Менга у жуда ҳам ёқиб қолганди.”

“Лео, илтимос, менга ёрдам беринг,” деди Бад. “Бу йигит нималар деяпти? Биринчи у мен Доросини танишимни айтди. Энди эса Элленни ўлдиргансан деяпти. У ақлдан озганми?”

“Уни охиригача эшит, Бад,” жавоб берди Лео.

“Икки кун аввал Менассетга бордим,” деди Гант. “Мен сенинг қутичангни топдим. Уни очиб, ичида брошюраларни кўрдим. Ундан ташқари рўйхатни ҳам топдим, Корлис!”

Бад шошиб қолди. Лео Кингшипга юзланди.

“Яхши, Лео. Яхши, яхши,” деди у. “Мен Доросини таниганман. Мен уни таниганман, аммо ўлдирмаганман! Мен ҳеч кимни ўлдирмаганман. Тан оламан, сизнинг пулингизни хоҳлаганман. Шунинг учун компаниядан брошюраларни сўраганман. Шунинг учун Калдвельга кўчганман. Шунинг учун Нью Йоркка кўчдим. Марион менга турмушга чиқмайди – буни тушундим. Шунинг учун бу ердан кетишни истайман. Онарни олиб эртага Менассетга жўнаймиз.”

“Ўгирил, Корлис,” деди Лео. “Занжирга қўлингни қўй.”

“Сиз ҳам ақлдан оздингизми, Лео?” жаҳл билан гапирди Бад. Лекин Леонинг қиёфасини кўриб, ўгирилди ва теир занжирга қўлини қўйди. У тегиши билан занжир иккига бўлиниб кетди. Энди пастга қулашдан тўхтададиган ҳеч нарса қолмаган эди.

“Йўқ, мен ақлдан озмадим,” деди Лео. Унинг овози совуқ ва шафқатсиз жаранглади. “Сен қотилликни уюштира оладиган ягона одам эмассан, Корлис! Менежер билан гаплашаётганинда биз занжирни узиб қўйган эдик. Сени ўлдириш ниятим йўқ. Сени полицияга олиб бормоқчиман. Уларга нима қилганигни айтиб беришингни хоҳлайман. Аммо ҳозир Дороси ва Элленни ўлдирганигни тан олмасанг, биз сени суюқ мис идишига итариб юборамиз. У қайноқ, жуда ҳам қайноқ. Сен узоқ яшамайсан, аммо сўнгги лаҳзаларинг азобли бўлади! Энди бизга айт, қандай қилиб Доросига суиқасд хатини ёздириб олдинг?”

Бад жуда ҳам қаттиқ қўрқувда эди. Бу одамлар уни ҳақиқатан ҳам ўлдирмоқчи! У армияда эканида одамларни ўзи ҳам ўлдирган. Мовий Денгизда

хам учтасини ўлдирди. Одам ўлдириш у учун осон бўлиб қолган эди. Чунки у ўша одамлар ҳақида қайғурмас эди. Лекин доим ҳамма одамлар у ҳақида қайғурганлар. Нега бу икки киши у ҳақида қайғурмаяпти?

Лео олдига бир қадам ташлади. Шу пайт Бад Марион ҳам йўлакка чиқиб келаётганини кўрди. Қиз отаси томон кела бошлади.

“Агар тан олсам,” ўйлади Бад, “улар мени полицияга олиб боришади. Лекин бу бинодан ташқарига чиқгач, қочиб қоламан. Агар тан олмасам, улар мени ҳозир ўлдирадилар.”

“Ҳа, мен Доросини ўлдирганман,” деди у. “Мактуб испанча китобдан таржима эди. Ундан таржима ёзиб беришини сўраган эдим. Уни ўлдирдим, Элленни ҳам ўлдирдим!”

У шу даражада кўрқаётган эди-ки, кўзига кўркувдан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди.

“Эллен ўзи айбдор!” бақирди у. “Мен унга Мовий Денгизга бормаслигини айтгандим. Уни ўлдиришга мажбур бўлдим. Доросини ҳам ҳомиладор бўлишини хоҳламагандим. Ҳаммасига ўзлари айбдор. Аёллар жуда ҳам аҳмоқ бўладилар!”

Шу пайт Марион отасини сурди-да Бад томон келди. Кўрқиб кетган йигит унга тескари ўтирилмоқчи бўлди-ю, оёғи тойиб кетди. У йўлакнинг охиридан пастга қулай бошлади. Суюқ миснинг қайноқ идиши томон тушар экан, чинқириб юборди. Бу унга Дороси ҳаво кудуғига йиқилиб тушгандаги чинқириқни эслатди. Бу унга учинчи ўқ якун ясаган Элленнинг чинқириғини эслатди. Энди бу чинқириқ унинг оғзидан чиқаётган эди.

Самолёт Нью Йоркга қайтаётган эди. Марион жимгина йиғларди.

“Биз уни ўлдирмоқчи эмас эдик, Марион,” деди Гордон Гант. “Уни айбини тан олишга мажбур қилмоқчи эдик.”

“Биламан,” деди Марион. “Мен у учун йиғлама-япман. Мен ва ниҳоят бахтли бўламан деб ўйлаган эдим. Сиз бунга тушунмайсиз. Тушуна олмайсиз!”

У қўллари билан юзини ёпди.

Кингшиплар Леонинг уйига қайтишганида, Корлис хоним уларни кутиб ўтирган эди. У жуда хурсанд кўринди. Марионга қараб табассум қилди.

“Хайрли кеч, азизам,” деди у. “Сени кўрганимдан хурсандман. Бад Қани?”

CONTENT

PART ONE: DOROTHY

The Room Near the Campus.....	3
The Pharmacy Laboratory.....	11
The Note.....	18
The Municipal Building.....	24

PART TWO: ELLEN

On the Train.....	31
The Two Blonds.....	39
The Detective.....	45
On the Roof.....	52

PART THREE: MARION

New York City.....	59
Gordon Gant.....	69
The Smelting Works.....	78

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БЎЛИМ: ДОРОСИ

Биринчи қисм.....	83
Иккинчи қисм.....	91
Фармацевтика лабораторияси.....	91
Учинчи қисм.....	99
Мактуб.....	99
Тўртинчи қисм.....	105
Мунисипал биноси.....	105

ИККИНЧИ БЎЛИМ: ЭЛЕН

Бешинчи қисм.....	113
Олтинчи қисм.....	122
Икки малласоч	122
Еттинчи қисм.....	129
Изкувар.....	129
Саккизинчи қисм.....	137
Томда.....	137

УЧИНЧИ БЎЛИМ: МАРИОН

Тўққизинчи қисм.....	145
Ўнинчи қисм.....	156
Гордон Гант.....	156
Ўн биринчи қисм.....	166
Мис эритиш заводи.....	166

(A KISS BEFORE DYING by IRA LEVIN)

ИРА ЛЕВИН

СЎНГГИ БЎСА

**(A KISS BEFORE DYING
by IRA LEVIN)**

Тошкент – 2018

Нашриёт муҳаррири: Шухрат Гуломов

Техник муҳаррир: Зуҳра Ҳамдамова

Дизайнер: Аббос Турсунов

Мусахҳиҳа: Муҳаббат Розик қизи

Нашриёт лицензияси:
41 № 239 – 2013 йил 4 июль

Теришга берилди: 15.02.2018. Босишга рухсат этилди:
20.02.2018. Бичими: 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. BalticaUz
гарнитураси. Босма табағи: 6,5. Адади: 3000. Буюртма: 19.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Нашриёт манзили:
«Adabiyot uchqunlari» нашриёти, 100027, Тошкент шаҳри,
Ўқчи кўчаси, 29-уй.

Босмахона манзили:
“GOOD GROUP MEDIA” МСҲЈда чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Чилонзор-14, 32-уй.

СҮНГГИ

БҮСА



*... for you & I have
will spread up your
(FASTER! FASTER!)
in excited for you both.
then to be you too
- to be able to do this
cross you. That would
my exciting! Please
I have the things
and only one way*

**A KISS
BEFORE
DYING**

IRA LEVIN

ISBN 978-9943-5099-3-1



9 789943 509931